

ЖУЖУҚ

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
11 февраль, чоршанба

06-07 (19)

Газета 1997 йил 27 августдан
чиқа бошлаган

Анжуман

ҲАМКОРЛИК САРИ

Яқинда «Ўзбекистон Республикаси Омбудсмани билан ноҳуқумат ташкилотлари ўртасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унга риоя этиш борасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмини яратиш» мавзuida ноҳуқумат ташкилотлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили, профессор С.Рашидова кириши сузи билан очди.

Сайёра Шарофова ўз маърузасида давра суҳбати информатсион руҳдагина бўлиб қолмасдан, атрофлича муҳокама, турли хил фикр алмашувлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Кун тартибидagi масала юзасидан «Ноҳуқумат ташкилотларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимидagi ўрни ва аҳамияти» мавзuida профессор

Р.Жумаев, «Омбудсманларнинг ноҳуқумат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги соҳасида хорижий давлатлар таърибаси» мавзuida БМТ Ривожланиш дастури эксперти Д.Готтерер, «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш муаммоларини ҳал этишда жамоат ташкилотларининг ҳиссаси» мавзuida Судьялар ассоциацияси раиси А.Тўхташевлар маъруза қилдилар. Мазкур маърузалар юзасидан бўлиб ўтган музокараларда ноҳуқумат ташкилотлар вакиллари фаол иштирок этишди.

Давра суҳбати сўнггида Омбудсман билан ноҳуқумат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи сайланди. Шунингдек, давра суҳбатининг ҳал қилувчи ҳужжатлари қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз).

Жамиятимизнинг асоси - оила, шундай экан, давлат ҳар бир оилга муқом ёрдам беради, чунки, оилاداги тўқинчилик шахснинг, миллатнинг маънавий ва ахлоқий қадриятларини оширишга қафолат беради.

Ислом КАРИМОВ.

Жараён

ҚОНУН ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Туманимизнинг «Бошлиқ» ва «Яккасарой» маҳаллаларида юзма-юз мулоқотлар бўлиб ўтди. Унда прокуратура ходимлари билан бир ҳаторда, туман ИИБ ўринбосари Б.Раҳимбоев, ҳоким ўринбосари Р.Иноғомов, хотин-қизлар кенгаши раиси К.Дадамуратов ва катта ишчи йиғилганларнинг саволларига жавоб бердилар.

Ҳуқуқий мавзуларда учрашувлар ўтказишда ўз-ўзини бошқариш органлари яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. «Туркистон» маҳалла кўмитаси раиси Э.Давронов тошаббуси билан бу ерда ҳуқуқий мавзуда бир неча марта учрашувлар ўтказдик. Айниқса, туманимизнинг Юнус Ражабий ва «Ўрикзор» маҳаллаларидаги юзма-юз мулоқотларимиз кўпчиликида яхши таассурот қолдирди. Биз бу боралдаги ишларимизни туман ИИБ, суд, мудоффа ишлари бўлими, солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда олиб бормоқдамиз. Бундан ташқари, ҳуқуқий мавзуларда 6 марта республика радиосида, 14 марта телевидениеда туман прокуратураси ходимларининг чиқишлари ташқил қилинди. Ходимларимиз туманимиз худудида қорхоналар ва ўқув юртларида 246 марта ҳуқуқий мавзуда маърузалар ўқиди.

Ҳўш, туман аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида шунча ишлар қилинибди, жиноятчилик қамайдими? - деган ҳақли савол бўлиши табиий. Бунга мен фактлар асосида жавоб бермоқчиман. Туманимизда гиёҳвандлик 3,8 фоизга, безорилик 40 фоиз, автотранспортларни олиб қочиш 10 фоиз, фирибгарлик жинояти эса 26,3 фоизга қамайишига эришилди.

Ўртбошимиз 1997 йил 20 майда ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлган



учрашувида «Ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ўшбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ўшбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва меърий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятта эга. Эеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдоғина яшайди ва рўёбга чиқиди» деган эди. Ўртбошимизнинг бу сўзларини ҳар бир ҳуқуқшунос дастурийамал қилиб олиши керак. Ана шундагина қўзланган мақсадга эришилади ва юртимизда биз орзу қилган қонун устиворлиги таъминланади.

Р.ҲОЖИХОНОВ,

Яккасарой туман прокурори ўринбосари.

Суратда: туман прокуратурасининг терговчиси У.Файзуев, прокурор катта ёрдамчиси Қ.Исҳоқова ва прокурор ёрдамчиси Б.Ирматов ўзаро мулоқотда.

ЧОРШАНБАДАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини санация қилишнинг самарадорлигини таъминлаш ва қўлай иқтисодий шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини санация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Андижонда «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусида Республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Кунчиқар мамлақати - Япониянинг Нагано шаҳрида XVIII қишки олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Дунёнинг турли бурчакларидан келган тоғ чағиччилари ва фигурали учуш усталари дастлабки мусобақаларни бошлаб берди. Олимпиадада ўзбекистонлик спортчилар ҳам иштирок этмоқдалар. Улар қишки спорт ўйинларининг уч тури бўйича мусобақаларда ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

9 февраль кuni Буюк Британия парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таклифига биноан расмий ташриф билан Тошкентга келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг 1997 йилдаги фаолияти яқунлари ҳамда 1998 йилда одил судловни такомиллаштириш ва иқтисодий муносабатларда қонунчиликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 557 йиллиги республикаимизда кенг нишонланмоқда. Ўтган кuni шоир ва ёзувчилар, олимлар ва санъаткорлар, талаба ва ўқувчилар, жамоатчилик вакиллари мутафаккир шоир хотирасини ёдга олиш учун Навоий номи билан аталувчи боққа тўпландилар. Бу ерда анъанавий навоийхонлик бўлиб ўтди.

ЧОРШАНБАГАЧА

Қотил
носфуруш
экан

3-б.

Санация -
соғломлаштириш демак

5-б.



Мени кечиринг...

Прокурор
ҳаётидан воқеа
ҳикоя

8-б.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон
Республикаси
прокуратураси
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Тошкент шаҳар ва
Тошкент вилояти
прокуратуралари

БОШ МУҲАРРИР:

Абдуҳолик
АБДУРАЗЗОҚОВ

**ТАХРИР
ҲАЙЪАТИ**

Асрор АҲМАДЖОНОВ

Дилшод ИСЛОМОВ

(масъул котиб)

Эркин ЙЎЛДОШЕВ

Мэлс НАИМОВ

Орипжон ХОЛМАТОВ

Лола ШОМУРТОВА

Бахтиёр НАЗАРОВ

(бош муҳаррир

ўринбосари)

Газета андозаси
«Хуқуқ» газетаси
компьютер маркасида
тайёрланди.

Тахририятга келган
кўлемлар муаллифга
қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари
тахририят фикридан
фарқланishi мумкин.
Газетадан кўчириб
босилганда «Хуқуқ»дан
олинди, деб
кўрсатилиши шарт.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Гоголь
кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:

13-363-88, 13-382-34,
77-69-64.

Газета Тошкент вилоят
матбуот бошқармаси
томонидан №767 рақам
билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонасида офсет
усулида босилди.

Манзили: Тошкент
шаҳри,
Буёқ Турон кўчаси - 41.

Нусхаси 19085
Буюртма Г - 01034
Қоғоз бичими - А-3.
Баҳоиси сотувда эркин
нархда.

Навбатчи
О. БЕГАЛИЕВ

Мусахҳих:
М.ДУСИЯРОВА

1 2 3 4 5 6 7

Учрашув

БУРЧИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК



Собир Раҳимов туманида ҳуқуқ-тартибот органлари ва туман ҳокимияти ҳамкорлигида аҳоли билан бевосита мулоқотлар, учрашувлар кўллаб ўтказиб турилади. Куни кеча ҳуқуқий тартибот маркази томонидан худди шундай тадбирлардан бири туман миқёсида ўтказилди. Тумандаги 119-мактаб биносига ўтказилган йиғилишда 15 та маҳалла фуқаролари, диний уламолар, қатор мактаблар педагогик жамоалари, «Нуроний» жамғармаси, ХДП фаоллари иштирок этишди.

Ушбу йиғинда Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Ҳақназаров, С.Раҳимов

ятчилиқнинг қамойганлигини маънуният билан таъкидлаб, бунда маҳалла оқсоқолларининг, туман бошқарув органларининг ҳам катта ҳиссаси борлигини айтиб ўтди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қонунининг ижроси юзасидан туманда олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берди. Маърузачи тумандаги диний ташкилотлар фаолиятига ҳеч қим қаршилик қилмаслигини, фақат бу ташкилотлар қонун доирасида фаолият юритиши, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтган бўлиши лозимлигини таъкидлади.

напи олиб бораётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Умуман, жиноятчиликни янада қамайтириш, оқсоқолликни таъминлашда халқимизнинг ҳуқуқий билимларини ошириш билан бирга ўз бурчинини бажариш кўникмасини ҳам шакллантиришимиз лозим. Кўпчилигимиз ҳақ-ҳуқуқ толашамиз-у, лекин бурчимизни унутиб қўямиз. Бурчин бажариш жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг, ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим шартидир.

Туманда қайд этилган жиноятларнинг кўпчилигини ўсимирлар, ёшлар содир этган. Бу эса бозини ота-оналарнинг фарзандлари тарбия-сига, юриш-туришига эътибор бермаганлигидан келиб чиқади. Улар фарзанд тарбиясига жиддий эътибор бериб, бурчинини чуқур ҳис қилиб ўз вақтида бажарсалар жиноятчиликнинг олди олинган бўларди. Энг муҳими, ҳар бир фуқаро ҳақ-ҳуқуқи ва бурчинини билса ва ўз вақтида бажарса, оқсоқолликка эришилади.

Учрашув давомида сўзга чиққан тумандаги Ат-Термизий мечити имоми Яҳёхон ота Исмоилов, ТошДУ доценти, оила тарбияси бўйича мутахассис Раҳмонжон Едгоров, Бабур маҳалласи оқсоқоли Асатулло ота Азимов ва бошқалар халқнинг оқсоқол турмушини таъминлашда, ҳуқуқий жамият қуришда оиладаги тарбиянинг муҳим аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ҳа, маърузачилар таъкидлаганидек, лоқайдлик инсоннинг, жамиятнинг энг хавфли душмандир. Афсуски, сўнгги пайтларда кўпчилик ота-оналарнинг лоқайдлиги, фарзанд тарбиясига безъэтиборлиги вояга етмаганларнинг жино-



туман прокурори Э.Абзалов, туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Б.Ҳақимов, туман хотин-қизлар кенгаши раиси, ҳоким ўринбосари М.Ғанихўжаева, «Нуроний» жамғармаси раиси К.Мамаолиев ва бошқалар қатнашди.

Йиғилишда сўзга чиққан туман прокурори Э.Абзалов туманда ўтган йиллардаги нисбатан жино-

ятчиликнинг олди олинган бўларди. Энг муҳими, ҳар бир фуқаро ҳақ-ҳуқуқи ва бурчинини билса ва ўз вақтида бажарса, оқсоқолликка эришилади.

Учрашув давомида сўзга чиққан тумандаги Ат-Термизий мечити имоми Яҳёхон ота Исмоилов, ТошДУ доценти, оила тарбияси бўйича мутахассис Раҳмонжон Едгоров, Бабур маҳалласи оқсоқоли Асатулло ота Азимов ва бошқалар халқнинг оқсоқол турмушини таъминлашда, ҳуқуқий жамият қуришда оиладаги тарбиянинг муҳим аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Яхшилар ёди

УСТОЗ ХОТИРАСИ



Инсон ўз ҳаётида шундай одамларни учратиши мумкинки, уларни узоқ вақт унутиб бўлмайди. Бундай одамлар келажақда муносиб шахс ва мутахассис сифатида қамол топишига эришганда ижобий таъсир кўрсатди.

Агар бундай одамлар билан ёнма-ён ишлаш, улардан касб маҳоратини ўрганиш, бу - катта омад, десам хато бўлмайди. Шундай одамлар билан ёнма-ён ишлаш, айниқса, прокуратура органларининг ходимларига икки қарра омаддир.

Менинг бахтимга, касб таржимахоналик кўйидаги тажрибали прокурорлар раҳбарлигида бошланди: Едгор Қосимов, Саид Девяттов, Мамат Турдиқонова, Вали Қосимов. Бу раҳбарлар жуда кўп прокурор-тер-

гов кадрларини тайёрлашга катта ҳисса қўшганлар. Ана шундай алоҳида ўстозлардан бири Висоқ Маннонов эди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, Висоқ Манноновнинг прокуратура органларининг масъулиятли лавозинларидаги кўп йиллик юқори малакали ижоди қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда катта таъсир кўрсатди ва ўз ҳиссасини қўшди.

В.Маннонов олий маълумотли мутахассис, зияли инсон, меҳрибон ота ва мураббий эди.

В.Маннонов прокуратура органларидаги ёш кадрларга алоҳида эътибор берди ва бугунги кунда унинг бевосита раҳбарлигида қамол топган кўпчилик кадрлар масъулиятли лавозинларда ишлаётганликлари ажабланарли эмас. Булар қаторида Республика Қуролли қучларининг ҳарбий прокурори Хошимўжа Набиев, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи Мурод Ирматов, Сурхондарё вилояти Термиз тумани прокурори Набижон Қўзимуродов, Хоразм вилояти Қўшўлиқ тумани прокурори Ҳобибулла Абдуллоев, Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бошқарма прокурорлари Марс Шарофуддинов, Михаил Юнитер ва бошқалар бор.

Бу сатрларнинг муаллифи ўстоз прокурорлик таржимаи ҳолида Висоқ Манноновнинг шахси алоҳида ўрин эгаллаши билан фخرланамиз.

«Тоталитар тартибни» деб атаган доврни турлича баҳолаш мумкин, лекин бу тартибнинг мураккаблигига қарамасдан, прокуратура органларида қонунчилик устидан тулиғича назорат қилишга интилганлар орасида фидойи прокурорлар талайгина эди. Бунга В.Манноновнинг иш фаолиятини ишон билан келтириш мумкин. Мустақил Ўзбекистоннинг қонунчилик тизимини яратишда, унинг давлат, жамият институтларини мустаҳкамлашда В.Маннонов ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

В.Маннонов 6 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларини ўтказиш, референдум ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссиясида саморали ишлади.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар номзоди, давлат мукофотлари билан мукофотланган ўстоз В.Манноновнинг ишлари ва номи биз учун доимо ибрат мактаби бўлиб қолади.

Э.АБЗАЛОВ,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов
тумани прокурори, 3-даражали
Давлат адлия маслаҳатчиси.

ят кўчасига кириб кетишига имкон яратмоқда. Фарзанд энг аввало, оилада тарбия топади. Шундай экан, энг аввало, ота-онанинг масъулиятини қучайтириш лозим бўлади. Қизгин баҳс-мунозаралар билан ўтган учрашув якунида ушбу тадбир ташкилотчиларидан бири, туман ҳокими муовини Ш.Пўлатов сўзга чиқиб, учрашув иштирокчиларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Бу тадбир кўпчиликини қизиқтирганни эътироф этиш керак. Буни унинг иштирокчилари билдирган фикр-мулоҳазалардан ҳам билсак бўлади:

Анвар ота Азимов, Нодира-Бегим маҳалласи оқсоқоли. - Учрашув жуда яхши ўтди. Айниқса, кексалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки бошқа ташкилотларга боришга вақт ажратиша олмайдим. Шунинг учун ҳам мана бугундай юзма-юз учрашувлар бўлиб турса, халқимиз ўзини қизиқтирган саволларга жавоб топиш билан бирга ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириб борилади.

Шунингдек, Р.Мирзохўжаев, Й.Раҳимовлар ҳам бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши маҳалла қўмиталари фаолиятига ҳам катта ёрдам беришини таъкидлашди.

М.БОЛЛИЕВА.

Суратларда: Учрашувдан лавҳалар, (Р.ШАРИПОВ фотолари).

Анжуман

ЖАМИЯТ - ОИЛА ТАЯНЧИ

Яқинда пойтахтимизнинг Ҳамза тумани ҳокимлигида «Оила, аёл ва ҳуқуқ» мавзусида илмий-омалий конференция бўлиб ўтди.

Унда «Хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш - соғлом турмуш тарзи, оила мустаҳкамчилигининг ишончли омиллари» мавзусида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова маъруза қилди. У ўз маърузасида иштирокчилар эътиборини оиланинг муқаддаслигига, ҳар бир оиланинг тасулиги, ободлиги аввало аёлга боғлиқлигига, фарзандлар тарбиясида ҳам онанинг ўрни муҳимлигига қаратди. Шунингдек, нотих ушбу оила йилда барча оилаларнинг осуда турмушини таъминлашдан нафақат аҳоли, балки давлатимиз ҳам манфаатдор эканлигини таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, «Хотин-қизлар меҳнатини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитини яхшилаш» мавзусида «Лола» ҳиссасдорлик жамияти раҳбари Хусниддин Муродхўжаев, «1998 йил - Оила йилида ёшлар ва хотин-қизлар томонидан содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни қучайтириш» мавзусида туман Ички ишлар бўлими бошлиғи Содикжон Аҳмадхўжаев, «Ҳуқуқий тарбия - оила мустаҳкамлиги негизидир» мавзусида туман ФХД бўлими мудир Рохат Сағдуллоева, «Оила, аёл маънавияти ва ҳуқуқий маданият мавзусида туман маънавият ва маърифат маркази раисининг ўринбосари, профессор Саноат Воҳидова ва бошқалар маъруза қилдилар.

Маърузачилар фақатгина Шарқ аёлига хос бўлган ибод, ҳоё, ифбат каби хислатларга ойна пайда бироз бўлса-да, пугур этандан ташвишланиб, бу асрий фазилатлар аёлларимиз гузаллигининг бетимсол намунаси эканликлари ҳақида тўхтадилар.

- Қолаверса, гузаллик, садокат, меҳрибонлик, раъзи бўлган мунис аёлларимизга, шўх-шодон қизларимизга оиланинг шамчироғи бўлишдек бахт насиб этган экан, уларнинг жиноятга қўл уриши жамиятимизнинг фожасидир, - деди анжуманга яқун ясар экан туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Озода Қаримова.

Акс садо

ЎЗБЕКЧИЛИКНИ
МИННАТ
ҚИЛМАНГ

Газетада чоп этилган «Қоп кутарган аёллар» мақоласини ўқиб, ўзимни анчадан бугун уйлантириб келаятган муаммо ёритилганлигининг гувоҳи бўлдим.

Ҳозирги вақтда қишлоқларимизда тўйлар сарф-харажати (шу жумладан, уйланиш) шундай ошиб кетаяптики, яқин орада бу масала ижобий ҳал этилишига, яъни харажатларни тартибга солишда муайян меъёр бўлишига ҳам негадир ишонгимиз келмайди. Шу ўринда тумандаги «Қиёт» қишлоқ фуқаролар йиғини маҳалла фаоллари бошлаган ташаббус мақтовга лойиқ. Яъни, келинликда ҳам, кўвчиликда ҳам фақат шурва берилади. Ош берилмайдди. Никодан утиш маросимида қатнашувчилар, шунингдек, машиналар, кузатувчилар сони ҳам қатъий чегараланган. Кимки, «ким узарга» тушса, тартибга чақирилаяпти.

Бошқа маҳаллаларда ҳам ибратли ишлар бор. Масалан, қиз базми, кўвчиликда эса катта дабдабали тўйлар қилинмаяпти. Лекин, қиз чиқарса ҳам, угил уйлантирса ҳам, ота-онасига ош берса ҳам, қозон-қозон гуруч дамаб, ош бераётганлар ҳам йўқ эмас. Энг афсусларисини, уларнинг шу «анъана»сини бошқаларга ҳам зўрлик билан тақширишувчилар топилаяпти. Баъзилар буни ўзбекчилик, миллий ғуф-одалар дейишмоқда. Аммо, ҳисобсиз харажат қилиш ҳеч бир замонада ўзбекнинг фазилати бўлмаган. Ўзбекчиликда сен шундай тўй қиласан, шунча сарфлайсан, шунга қардан бўлса ҳам топасан, деган шарт йўқ. Ҳар ким ўзининг кучи етганича тўй қилиши лозим.

Қоп кутарган аёллар сонининг камайиши учун қишлоқ жойларда асосан хотин-қизлар меҳнат қилувчи кичик корхоналар очил керак. Авваллари аёлларнинг меҳнатини уйда ташкил этиш деган нарсас буларди. Ушанга қайтиш ёки ушанинг янги шаклини жорий этиш керак. Очигини айтсам, «Отчопар»да лой кечиб, оғидан совуқ ўтиб, кўкрак сутига ҳали тўймаган гуданини уйига, қушнисига ташлаб, оилаб чет элга кетаятган аёлларни кўрсам, ҳайф сenga оналик, деб юборгим келадди!

Тўйге ва Паркентда аёллар ишлаб турган тузимчилик комбинатларини қуриб қавасим келди. Шундай комбинатлар бизнинг туманда ҳам қуриلسа, қоп кутарган аёллар сони камайишидир! Чет эл инвестицияларини жалб қилиб, қишлоқларда кичик ёки қўшма корхоналар қуриلسа яхши бўларди.

Ҳозир ишлашганим, йўқми, билмайман, Галлаорол туманида уйдаги тилла туқувчи аёллар ўз маҳсулотларини бозорда эмас, уйларида туриб чет элга сотардилар. Шундай ишларни амалга ошириш лозим. Маҳаллий ҳокимиятлар, маҳалла қўмиталарининг шу йўналишдаги ҳарақатлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши керак.

Абдумалик ҲАМДАМОВ,
Тошкент вилояти
Бекобод тумани.

Мастлик - пастлик

Баҳодиннинг ёшлик йилларини эсланган одамлар уни мўмин-қобилинга бола эди дейишди. Аслида ҳам шундай эди. У ўрта мактабни тугатган, «Йигит кишига етмиш хунар оз» деганлар деб, яна ўқиб, туппа-тузук хунарли бўлди. Шу орада уйланди ва ҳаш-паш дегунча бири-биридан ширин уч нафар фарозанд кўрди. Ана шундай ширин турмуш кечириб турган бир пайтда ношуд уфатларга қўшилди-ю, ичкиликка берилди. Оқибатда туппа-тузук одам ойнади қолди.

Дастлаб, ишлаб ҳалол нон топиб турган касбидан воз кечди. Худоб-худо дайдйб юрадиган бўлди. Кунларнинг бирида кимдир унга осон пул топасан, деб нософрушликни ўргатди... Уша кун ҳам у бозорда нософрушлик қилди. Кечга яқин эса саводдан тўшган «соққа» ароқ олиб инди. Кейин маст ҳолда бировнинг «Москвич» машинасини тўхтади:

- Охаюн, зарур ишим бор эди. Шундоқ уйимга ташлаб қўйсангиз, илтимос!

- Менга «бензин пулини» берсангиз бўлди, қавқо десангиз олиб бориб қўяверман.

Одамлар огоҳ бўлинг!

СИЗГА ДОЛЛАР
КЕРАКМИ?

Азиз бугун одабтадиган эрта уйғонди. Кечаси билан ўйлаб чиққан режасини амалга ошириш илминда таниши Зафарнинг олдига йўл олди. Икки ўртқ Паркент бозорига учрашиб, дунё ташвишларидан ҳасратлашди.

Сўбат сўнгига Зафар, «Банкдан доллар олса бўладими?», деб сўраб қолди. Азизнинг юзи ёришгандай бўлди.

- Унинг биласан, банкда миллионер бўлиб ишламан. Сенга ўхшаш оғайналарга хизмат қилмасан, нима қилиб юришим, - деб қолди. - Агар буни пул топсанг 1000 АҚШ доллари олиб беришим мумкин.

- Бир оғайним бор. Исми Жаҳонгир. Анчадан бери, банкдан доллар олиб берадиган танишим борим, деб сўраб юрарди. Кел оғайни, бир яхшилик қил. Хизматинг учун сен ҳам ҳақингни олсан, - илтимос қилди Зафар Шамшимухамедов.

Зафар «келтирини топиш учун жўноб кетди. 1997 йилнинг 7 март куни Азиз Буванов таниши Зафар Шамшимухамедов арқали танишган Жаҳонгир Расулмухамедовнинг пойтахтнинг Миробод туманидаги Ўзбекистон қўрсисига жойлашган Марказий банкка олиб келди. Йўлда «келтирини ишончли кириш учун шунчалик ёлпонларни тўқиб ташлашдики, чўчқали хатто ўзига ҳам чин туюлди. У гап оросида ҳар кун уч-тўрт оғайнларига шу банкдан 2-3 минг доллар олиб беришини, бу ишларни савоб учун қилиб юрганини ҳам кўстириб ўти.

Банк эшигига яқинлашганда у Расулмухамедовдан «пул ёриндими?», деб сўради. «А» жавобини олгач, ичкорига кириб кетди. Орандан йигирма минутлар вақт ўтгач, Азизбек «қўрсисдан ҳолда қайтиб чиқди.

- Ҳужжатларни тўлдираяпти. Ишонимиз тез битадиганга ўхшаб қолди. Қани пулни ол-чи. У «келтиридан 32 минг 500 сўм пулни олди-ю, банкнинг ичкарисига кириб кетди.

Қилмиш-қидирмиш

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ

Хабарингиз бор, Президентимизнинг 1996 йил 17 апрелдаги Фармони билан Республика ешларининг «Қамолот» жамоғармаси ташкил этилган эди. Уттан қисқа давр мобайнида жамоғарма ташкилий жиҳоддан тўла шаклланиб, кенг қўламада фаолият кўрсата бошлади. Ешлар ишончига кириб, улорнинг манфаатларини барчо йўналишларда фаол ҳимоя қилуви ташкилотга айланди. Унинг вилоят, туман бўлиmlари қошида савдо-сотиқ, тижорат ва ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик корхоналар, фирмалар ташкил қилинди. Бу тажриба Хоразм вилоятда ҳам кенг қўлланилди. Жамоғармининг вилоят бўлими қошида «Аббей» фирмаси очилди. Фирма Урганч шаҳар ҳокимиятининг 1996 йил 26 августдаги 552- сонли қарорига асосан ташкил қилинган бўлиб, низомига кўра унинг мақсади ва вазифалари ешларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улорни озик-овқат ва саноат молларига бўлган эҳтиёжларни эҳтиёжларини, зулуксиз таъминлашдан иборат эди. Аммо низоом шартлари фаолият довомида деврли амал қилинганда, низомида битилган олинган мақсадлар, улган вазифалар фирма рўйхатдан ўтиши билан унутилган. Умумий назорат тартибидоги текширишдан кейинги дастлабки ҳулосомаси шу бўлди.

Фирма директори лавозимидо ишлаб келган А.Абдуғафуров зузокни қўлайидиган, ийилкис қўлида бир сиким тўрқок билан турадиганлардан экан. У «Ислоом» хусусий фирмасини бошқарар, топиш-тутиш, тиркичилиги ҳам бивидийдек ўтаётган эди. Аммо шундай кунларнинг бирида «Қамолот» жамоғармаси қошида фирма очилишини эшитди-ю, батамом тинчлини йўқотди. Агар фирма очилса, унга албатта кредит берил-

ҚОТИЛ НОСФУРУШ ЭКАН

Шундай қилиб, машина йўлга чиқди. Улар бироз юргач, Баҳодиннинг нияти бузилди:

- Охаюн, яхшиси, мени «Олимпия» даҳосига олиб бериб қўя қолинг.

- Ие, қўзқик бўлди-ку, хозир уйимга шошялман, зарур ишим бор эди, деб турувдингиз. Энди эса...

- Э, сизга нима, «бензин пулини» берсам бўладими? Хойдан!

Хайдовчи рози бўлди. Йилват қоронғи жойдан ўтвотганда йўловчи гўё манзилига етгандек, машинани тўхтаптирди-ю, хе йўқ, бе йўқ хайдовчининг бўйига қароб пичоқ урди. Қутилмаган зарбдан қўриб кетган хайдовчи қочмоқчи бўлди. Аммо яна кетма-кет санчилган пичоқ зарбидан талмовсироб қолди. Жон оччидада эшикни очиб, ташқорига чиқди. Лекин беш-олти қодом ташлади-ю, йиқилди.

Қотил эса содир қилган жинояти учун бериладиган жазодан қочиб, қоронғу туи бағрига сиғиб кетди. Бирок ишининг бу ёғи бузоқ-ниқ югургани сомонхонага тарзидо акун топди. Уни хушёр милиция ходимлари қўлга олишди. Судда Баҳодин Холмиразов номаълум кишилар унинг оила аъзоларини ўлдирмади деб қўрқитиб, қўлга пичоқни бериб шу «Москвич» машинаси хайдовчисини ўлдиршини топириганликлари учун мажбур бўлиб бу жиноятни содир этганлигини айтиди ва гуноҳини енгиллаштиришга бехудо уринди. Суд аслида андиқонлик бўлган бу жиноятчининг мазкур қотиллики мастлик оқибатида қилганини, у юртига ҳар борганида Шаҳрихон пичоқдан олиб келиб сотиб юрганини, қотиллик қуроли бўлган пичоқ ҳам ўшалордан бири эканлигини далиллар асосида исботлаб берди.

Баҳодин «ойламини сақлаб

қолиш учун шу жиноятга қўл урдим», деса ҳам аслида ўзи оқиласини барбод қилди. Энди у 20 йиллик қамоқ жазосини ўтаб қайтганга қадар аёли-ю бола-чақасига осон бўладими? Холмиразов фақат ўзини ва оиласининга эмас, бола-чақа боқаман, деб пул топиш ниятида кўчага чиққан Мўмин Ортиқовнинг ҳам жонига зомин бўлди, унинг оиласининг ҳам бошига қулфат солди.

Қиссадан хисса тарзида айтадиган сўнгги гапимиз шунки, оқроқнинг қоралии булган бу воқеа ичкилик-бозорика ружу қўйган шахсларга сабоқ бўлса ажаб эмас.

Ф.ЭШОНХУҲАЕВ,
Соғир Раҳимов тумани
прокурорининг ёрдамчиси.
Равшан КАЛОНХОНОВ.

Доллар дардида келган Ж.Расулмухамедов ҳолатборини кеч соат олтигача кўтди. Банкдақиларнинг иш вақти тугаб, ҳамма кетиб бўлса-да, Азиздан дарак йўқ эди. Тоқати тоқ бўлган Жаҳонгир банк ичкарисига кириб милиционердан Азизни сўраганида «у бу ерда ишламайди, банкда ишлабдигонлар кетиб бўлди», деган жавобни эшитди-ю, ичи мулабоб кетди.

Пулни олган Азиз банкнинг олди эшигидан кириб, орқа эшигидан қойиб бўлган эди. Чув тўшганини билган Жаҳонгир танишлари билан Азизни қўлдирмага киришди. Топололмак, охири Миробод туман ички ишлар бўлимига арзиза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. «Бузоқнинг югургани сомонхонага» деганларидек, Азиз Буванов ҳам қочиб узокка бора олмади. Ички ишлар ходимларининг сай-ҳаракатлари тўғриси у қўлга олинди. Терговда қирғибғар тўз қилишини тои олди. Суд уни 5 йил озодликдан маҳрум қилиб, мал-мулкни мусодаро қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Азиз Бувановнинг жиноят ишдаги бир нечта маълумот кишининг эътиборини тартоди: илгари судланмаган, бўйдоқ, ҳеч қарда ишламайди.

Азизбек айни кун-қувватга тўлган ёшида жиноятга қўл урди. Агар у шайтон йўлига кириб, жиноятга қўл урмаганида, қомоқхонда эмас, ўз уйдан, тўй ташвишида юрган ота-онасининг бағрида бўларди. У йигитлик шаънига доғ туширди. Далел меҳнат йўлини таллаганида тақдир буғунлиг бошқана бўларди. Кимки, бирвалорнинг ҳисобига роҳат-фароғатда яшайман, деса хато қилади. Бунга Азизга ўхшаш киисаларнинг қилиши мисолдир.

Худойкул ТУРДИБОЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлими бошлиғининг ўринбосари,
1-даражали юрист.

бўлса-да, Ж 58 - 07 Х3 давлат

Белгили «КАМАЗ» русумли юк машинасиго 1020 та пахтали гулпи ортилган эди.

Лекин текшириш қўнига қадар на россиялик шериклари товар оборириш ва на пул келиб тушган.

Без тижирини довомида А.Абдуғафуровнинг ишбилармонлик фаолиятини атрафилида қўригани чиқди. Россиянинг «Нижне-Волжск» божхона хизматидан олинган маълумотлар барча тахминларимизнинг тўғрилигини тасдиқлади. Унда йилдирлишича, Волжск шаҳрида «Ливия» номили хиссадорлик жомияти ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида Рўхизоддан ўтмаган, жамият раиси Р.Қазарян бу вилоятта меҳмон ҳам бўлган.

Узини саккиз ўнчаб бир кесалидан хушёр ва доно билган А.Абдуғафуровга ўз мансабини суниесте-мап қилгани, икки томонлама шартномани тегишли тарзда ташқи иқтисодий фаолиятни назорат қилуви давлат идораларидан рўйхатдан ўтказмагани, фирма мулкни нотаниш, тўлов қобилияти аниқланмаган корхонага нақонуний йўл билан жуғатиб олдангани қимматга тушди. Унинг бу ҳаракатлари оқибатида «Аббей» фирмасига 514073 сўмлик молдий зарар етказилди.

Вилоят прокуратураси томонидан А.Абдуғафуровнинг бу ҳаракатлари устидан жиноий иш қўзғатди. Тергов қилинди ва жиноий иш судга юборилди. Яқинда вилоят судида ушбу иш қўриб чиқилиб, суд ҳукми билан А.Абдуғафуров узок муддатга озодликдан маҳрум қилинди. «Иш-билармон» директор - экиннини ўрди. Қўлимига вояша жазоланди. Эҳтимол, бу воқеа боззи ҳамюртларимизга ақчик сабоқ бўлар...

Баҳодир САРДОРОВ,
Хоразм вилоти прокуратураси
умумий назорат бўлими
прокурори.
Б.УЛИБОЕВ,
«Хукук» мухбири.



225 млн. рублик гулпи (фуфайка) етказиб бериши, россиялик ҳамкорлар эса өзизига товар ёки пул билан ҳисоблашишлари лозим эди. Қаромонимиз мазкур шартномани божхона хизмати, тижорат банки, Республика ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг худудий бўлиmlаридан рўйхатдан ўтказмади. Бу унинг учун ортиқча ташвиш келтириши мумкин эди-да. Гулпиларни қардан ва қайси пул өзизига олганини қандой тушунтирди. Чунки товар «Дамосэни сотишдан тушган пулго бошдордан олинган эди. Хуллас, А.Абдуғафуров анча сиплиқийўлдан юриб, малокали, катта тажрибига эга ишбилармон эканлигини исботлади. У фирмага умуман алоқаси бўлмаган Р.Абдиримов ва Ш.Фахридинвалор номига юк-бож баённомасини расмийлаштириб, кейин 4-сонли Тазабозор божхона маскани орқали олиб чиқилган йўллана берилган бўлишига қарамасдан, бошқа жойдан жуғатиб юборди. Бунинг сабаби оқдий баённомода ҳар бир фуқарога 350 тудан жами 700 та гулпи қўрсатилган

«Ҳуқуқ» таништиради: Яққасарой туман прокуратураси

Маълумки, мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиши Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур бешта тамойил асосида амалга оширилмоқда. Улардан бири қонун устиворлигига эришишдир. Республикаимиз тараққиётини таъминлашда бири-биридан муҳим бўлган тамойиллар сирасига ушбу тамойилнинг киритилиши бежиз эмас. Негаки, қонунларнинг сўзсиз бажарилишига, фуқароларнинг тинч ва беҳавотир яшаб, меҳнат қилишларига муносиб шарт-шароит яратмай туриб, ислохотлар жараёнида муайян ютуқларга эришиш мушкул иш. Республикаимиз ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг шижоатли ва қатъиятли меҳнатлари тўғрисида сақланиб турилган тинч ва осуда ҳаётни юқоридаги тамойилнинг меваси сифатида баҳолаш мумкин.

Яққасарой тумани прокуратураси фаолияти ҳам республика бош прокурори бўйруқлари, Тошкент шаҳар прокуратураси кўрсатмалари ҳамда туман ҳуқуқни муҳофазо этиш идоралари ҳамкорлигида тежово вазиятдан келиб чиқилган ҳолда тузилган режалар асосида ташкил этилган. Ушбу режаларга мурофиа ўтган даврда асосий эътибор қосқандан одам ўлдирishi, номусга тегиш, оғир тан жароҳати, этказиш, босқинчилик, талончилик, ноқонуний гивонд моддалар билан муомала қилиш, реңдир ва воғога етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятларнинг аҳолининг ўрғаниб, бартаф этишига қаратилди. Мухомама этилган масалалар қозғаларда қилиб кетмаслиги учун доимий равишда назоратга олинди, тежово ва туман ҳуқуқ-тартибот органларининг йиғилишларида кўриб чиқилди.

Туманимизда жиноятчиликнинг 1996 йилги аҳоли ўрғаниб чиқилганда оғир тан жароҳатлари этказиш 6,5 фоизга, ўзгалар мулкни ўғирлаш 11,3, босқинчилик 7,7, автотранспорт воситаларини ўғирлаш 12,5 ўшаган ҳолда содир этилган жиноятлар 1,2 фоизга ортганилиги маълум бўлди. Икки ишлар бўлими ва туман суди билан ҳамкорликда мазкур жиноятларнинг содир этилиш аҳоли ўрғанилиб, таҳлил этилди. Оғир тан жароҳати этказиш жиноятларининг 20,8 фоиз, босқинчилик 28,5, фирибгарлик 15, автоташкилотлар оғир қочиб 50, ўғирлик 61 ва хонадонларга қилинган ўғирлик жиноятларининг 52 фоиз очилганлиги оғир бўлди. Маълум бўлишича, ўғирликларнинг 43 фоизи муқаддам судланганлар, 59 фоизи ҳеч қорда ишломайдиган, 27,6 фоизи

зи маст ҳалдаги шахслар ва 31,4 фоизи уюшган гуруҳ томонидан содир этилган. Уларнинг 41,3 фоизини туманда ишловчилар ташкил этган.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, бир қанча участка нозирлари, уй-жайдан коммунал фойдаланиш бўлими ва маҳалла кўмиталари раислари ўзларига тегишли ҳудудларда профилактик аҳамиятга молик тадбирларни ўтказмаганлар. Ишчиларни иш билан таъминлаш чоралари, уларни қабул қилиш, ҳафт тарзи билан қизиктириш, топаётган даромадлари манбани билиш ва ичкилик-бозорликка қарши курашиш масалалари четда қилиб кетган. Натижавда, назоратсиз ва эътибордан йироқлашган шахслар қонунбузарликларга, асосан ўғирлик жиноятлари қўл урганлар.

Бундай ҳоллар инобатга олинди, туманда профилактик ишларни ўтказиш қучайтирилди. «Рақат», «Бошлик», «Яққасарой», «Туркстон», «Юнус Ражабий», «Уриқзор» маҳаллаларида маҳалла фаоллари, оқсоқалли иштирокида учрашувлар ўтказилиб, жиноятчилик билан боғлиқ мавжуд муаммолар аниқланиб, атрафликча ўрғаниб чиқилди. Тайинли иш жойи бўлмаган, ичкиликка рўжу қўйган шахсларни аниқлаш мақсадида «Тозалаш», «Назорат», «Комплекс» тадбирлари уюштирилди. Ишчиларнинг шахсларни иш билан таъминлаш, муқаддам судланганлар ҳаётини ўрғаниш йўлга қўйилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 1997 йилнинг биринчи ярмида туманда биринчи марта ўзгалар мулкни ўғирлаш жинояти 12,5, хонадонларга ўғирлик қилиш 5,5 фоизга қисқарди.

Муқаддам судланганлар томони

ЖАМИЯТ КЎЗГЎСИ



дан жиноят содир этиш ҳоллари кўпайгани сабабли реңдир жиноятчиликка қарши кураш чора-тадбирлари ҳам қучайтирилди. Туман ИИБ ва туман суди билан ҳамкорликда чора-чарога ўтказилиб келинган интиқилларда ушбу масала ўрғаниб чиқилмоқда ва бу борадаги камчиликларни бартаф этиш юзасидан тегишли тасвир чоралари қўйилди. Лекин, шунга қарамадан муқаддам судланганлар томонидан жиноят содир этиш ҳоллари довом этапти. Масалан, илгари жазо муддатини ўтаб қайтган, маъмурий назоратда бўлган Б.Қимматов ўтган йилнинг 10 март кунини автомашина ўғирлаб қўлга тушиди ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 267-моддаси 2-қисми билан айбонлиб, овозданиб маҳрум этилди. Еки бўлмаса, муқаддам судланган, маъмурий назоратда бўлган К.Каримов 1997 йилнинг 20 январидан қотиллик қилгани учун қилишига яраша жазоланди. Ушбу жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрғаниш, уларнинг устидан маъмурий назорат сўсатириб юборилганлиги оғир бўлади. Юридаги ҳар иккала

жиноят ҳам участка инспектори С.Нурова тегишли ҳудудда содир бўлган. Туман прокуратураси томонидан ўз ишига совуққонлик қилгани учун С.Нурова нисбатан интизомий иш қўзғатилди.

Айни вақтда муқаддам судланган 20 нафар шахс ҳисобга олинган бўлиб, улар билан доимий равишда профилактик ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда жиноятчиликнинг жирканч тури - гивондликка қарши нафақат республикаимизда, балки бутун жаҳонда ҳам қаттиқ кураш олиб борилмоқда. Туман прокуратураси ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратиб, бундай жиноятларга қарши кескин кураш чора-тадбирларини қўрапти. Бу борада олиб борилган ишлар натижасида гивондлик жиноятлари ўтган давр ичида 6,9 фоизга қамойди.

Туман прокуратураси томонидан ўтган йилда умумий назорат тартибиде текширишлар ўтказиш сифати ва сонини оширишга ҳам олоҳида эътибор берилди. Туман ҳокимиятида, банкларда, солиқ инспекциясида, паспорт столи бўлими ва Тошкент тўқимачилик комбинати, Тошкент қўрилиш материаллари комбинати, «Палимер», «СТМ» ҳиссадорлик жамиятлари сингари йирек қорхоналарда ҳам қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши юзасидан текширувлар ўтказилди. Текширишлар жараёнида талай қонунбузилиш ҳоллари, айниқса, туман солиқ инспекциясида маъмурий қонунчиликни қўпол тарзда бузиш фактлари мавжудлиги аниқланди.

Умумий назорат тартибиде ўтказилган бундай текширишлардан аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартаф этиш юзасидан тегишли прокурор тасвир чоралари қўрилди.

Туман қорхона ва муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдиги Фармонининг бажарилиши аҳоли юзасидан ўтказилган текширувда ҳам қонунбузарликлар аниқланди. Масалан, «Елена-Шухрат» масъуля-

ти чекланган жамиятнинг дебиторлик қарзи 220050 сўм бўлиб, қарзини қайтариш вақти аялланган ўтиб кетган бўлса-да, уни қайтариш чораси қўрилмаган. Ушбу қорхонада ҳужжатларни қалбақлаштириш фактлари ҳам аниқланиб, ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми ва 228-моддасининг 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, «Бутекс-Люкс» масъуляти чекланган жамиятнинг бир миллион сўмга яқин дебитор қарзи борлиги аниқланиб, қорхона раҳбарига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Туманда воғога етмаганлар тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши ҳам доимий эътиборда турибди. Афсуски, ҳато ва нуқсонлар бу йўналишни ҳам четлаб ўтмаган. ИИБ воғога етмаганлар билан ишлаш инспекцияси ва туман ҳокимияти ҳуқуқидоги воғога етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияларнинг иши давр талаблари даражасида эмас. Айниқса, бу ишларга бевосита масъул бўлган мазкур комиссия фаолиятида жиддий нуқсонларга, суқташликларга йўл қўйилганлиги кишини ўйлантиради. 1997 йилда 1996 йилга нисбатан воғога етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 33 фоизга қамойган бўлса-да, оғир жиноятларга қўл урилганлиги қузғатилди. Ўтган йилнинг ўзида воғога етмаганлар томонидан 2 та қотиллик содир этилиши гоғат аниқланди.

1998 йил мамлакатимизда Оила йили деб эълан қилинди. Бу бежиз эмас. Негаки, оила ҳам жамиятимизнинг бир бўлиги, унинг кам-қусти, ютуқларига ақс эттирувчи бир ойнадир. Оилани олган эътибор, ўз-ўзидан жамиятга ҳам бўлган эътибордир. Демок, оилаларимизнинг тинчлиги, тотувлиги, фаровонлиги борасида катта ишлар амалга оширилди: Уйлоямани, бу айолга ишдан прокуратура идоралари ҳам четда қолмайди.

Райим РЎЗИЕВ,
Яққасарой тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси.

Инсон ва табиат қонун ҳимоясида

ҲАР БИРИМИЗ ЖАВОБГАРМИЗ

Она табиатимизнинг мусаффолиги учун ҳар биримиз жавобгармиз. Уни қўз қорачиқдек асраб-авайласагина у биздан бор-йўғини аямайди.

Юртимизда мустақилликка эришилгандан сўнг табиат муҳофазасига олоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун етарли маблағ ажратилиб, бу ишга дахлдор шахслар масъуляти оширилди. Уларнинг ўз вазифасига бўлган жавобгарлиги қучайтирилди. Лекин шунга қарамай, айрим совуққон раҳбарлар бошлик бўлган қорхоналарда давлат аҳамиятига молик юмушлар қўнгилдагидек бажарилмаётгани аниқланиб қолди.

Тошкент шаҳрида экологик вазиятни барқарорлаштириш, унинг табиатга жиддий зарар этказишига йўл қўймаслик прокуратура органларининг диққат марказида турибди. Ҳуқуқшунослар шаҳар табиатини муҳофазо қилиш кўмитасининг мутохассислари билан ҳамкорликда тез-тез санаот қорхоналарида текширишлар ўтказиб, бу борада олиб борилаётган ишларни назорат қилиб туришди. Йўл қўйилган камчиликлар ўз вақтида аниқланиб, бу ишга масъул бўлган шахслар жавобгарлиги оширилмоқда.

Ана шундай текшириш аяндида Яққасарой тумани ҳудудида жойлашган бир қатор санаот қорхоналарида ўтказилди. Табиатни муҳофазо қилиш кўмитаси вакиллари бу туман прокуратураси ходимлари биргаликда олиб борган кузатишлар шуни кўрсатдики, тумандаги бир қатор ташкилот, муассаса, қорхоналарда белгилан-

ган режа асосида иш олиб борилаёпти. Режада белгиланган тадбирларнинг мунтазам бажарилиши таъминланаётди.

Ана шундай текширишлар «Палимер» ҳиссадорлик жамиятида, «Ўзбектўқимачиш» ишлаб чиқариш биросшасида, 1-пайофазал фабрикасида, 1-темир-бетон буюмлари заводиде ўтказилди. Бевосити ишлаб чиқариш цехларида олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатдики, жойларда табиатни асраш, унинг мусаффолигига зарар етказмаслик борасида бир мунча ишлар олиб борилаёпти. Аммо, айрим санаот ҳавзаларига оқова ташлаш ҳамон довом этаётгани қайд этилди. Бир қатор очиқ сув ҳавзаларига оқова ташлайдиган манбалар тугатилмаган. Қайта-қайта эсплатилишига қарамай, айланма сув таъминоти намуна йўлга қўйилмаган. Шаҳар табиатини муҳофазо қилиш кўмитасига доимий равишда қилинган ишлар хусусида маълумот берилмаёпти. Атраф муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш, сув ҳўжалиги ишини таҳлил этувчи 2-ТП шахлидаги ҳисобот белгиланган муддатда тақдим қилинмаган. Айрим шахслорнинг масъулятизлиги боис белгиланган муҳим тадбирлар фўқат қорғозда қилиб кетаётди.

«Палимер» ҳиссадорлик жамияти Салор аригининг чап қирғонда жойлашган. Қорхона халқ ҳўжалиги учун ниҳоятда зарур бўлган полиэтилен пленкалар ва пластмасса маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бу ерда атмосферага зарарли модда чиқаришни тартибга олиш мейёрлари ишлаб чиқилган. Бу хусусда

шаҳар табиатни муҳофазо қилиш кўмитаси тегишли руҳсатнома ҳам олган. Жамиятда 6 та зарарли моддаларни чиқариш манбаи мавжуд. Фойдаланишдаги сув қувурлари шаҳар таъминот тармоғига уланган. Текшириш чоғи шу нарса аниқландики, пайвондлаш участкасида ортиқча темир-терсақлар сочилиб ётибди. Бу ерда ҳам чиқиндилар мавжуд.

«Ўзбектўқимачиш» ишлаб чиқариш биросшасида ҳам табиатни муҳофазо қилиш бўйича муайян ишлар олиб борилаёпти. Атраф муҳитга зарарли ва зарарли моддаларнинг чиқариши йўл қўймаслик чоралари қўйилди. Зарарли воситалар чиқариш мумкин бўлган барча манбалар аниқланиб, уларни қамойтиришга эришилмоқда. Иш фаолияти учун шаҳар табиатни муҳофазо қилиш кўмитасидан тегишли руҳсатнома олинган. Барча чиқиндилар шартнома бўйича олиб кетилмоқда. Аммо шунга қарамай, қорхонанинг барча цехларида табиатни асраш ишлари қонқорли йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Шунингдек, тегишли ҳисоботлар ўз вақтида топширилмоган.

1-пайофазал фабрикасида ҳам табиатни муҳофазо этиш борасида бир қатор ишлар олиб борилаёпти. Бу ердаги сув қувурлари шаҳар таъминоти тизимига уланган. Шунингдек, шу жойда қазилган қудуқлар ҳам мавжуд. Кейинги йилларда қорхона ҳудудида бир қатор қўшма қорхоналарнинг ишга туширилиши боис аҳоли учун зарур оёқ қилишни ишлаб чиқариш қўлайди. Ўз навбатида зарарли ва



▲ Бугунги кунда прокуратура тизимидаги ишларни ҳам замонавий компьютерларсиз тасаввур қилиш қийин. Яққасарой туман прокуратурасида ҳам туман ҳудудидаги ҳар бир ташкилотнинг молиявий аҳолидан тортиб, улар амалдаги қонунларни қандай бажараётганини ҳам «аккли» машиналардаги маълумотлардан билиб олиш мумкин.

Суратда: катта терговчи Ш.Иноғомов, прокурор муовини Р.Хожихонов, прокурор ёрдамчиси Ш.Шодиевлар иш устида.

зарарли чиқиндилар чиқариш микдори ҳам ошди. Буни белгиланган мейёрдан оширмаслик тадбирлари ишлаб чиқилган. Шаҳар табиатини муҳофазо қилиш кўмитаси билан ҳамкорликда иш тутилиб, чиқинди чиқариш бўйича тегишли руҳсатнома олинган. Санаот ва маиший чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилишига эришилаёпти. Текшириш шуни кўрсатдики, бу ерда ҳам «Табиатни муҳофазо қилиш тўғрисида»ги қонунни бажариш борасида камчиликларга йўл қўйилган. Қўшма қорхона раҳбарлигида ишдаги камчиликларни кўрсатиб ўтилиб, уларни бартаф этиш бўйича тегишли тадбирлар белгиланган топширилди.

1-темир-бетон буюмлари заводиде 61 та оқова чиқариш манбаи мавжуд. Улар тегишли асбоблар билан жиҳозланган. Шунингдек, чуқурлиги 55 метрлик қудуҳдан олинган сув айланма таъминотда

ишлатилмоқда. Ёз ойлари Салор аригининг суви ободонлаштиришда қўл келаётди. Назорат чоғи бир қатор зудлик билан бартаф этилиши зарур бўлган камчиликлар аниқланди. Мутахассислар прокуратура ходимлари кўрсатиб ўтган камчиликларни бартаф этиш борасида тегишли тадбирлар белгиланган олинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофазо қилиш тўғрисида»ги қонунини бизнинг зиммамизга катта масъулят юклайди. Буни ўз вақтида аниқлаб етган ҳолда иш тутишимиз лозим. Тошкентни гўзал бағ-борларга бурканган қўшма мосқонга айлантириш қўлимиздан келади.

Кундуз ИСХОКОВА,
Яққасарой туман прокурорининг
катта ёрдамчиси.
Н.УСМОНОВА.

Прокурор сўз сўрайди

САНАЦИЯ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДЕМАК

Мустақилликдан кейинги йилларда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар таҳлили, умуман ислохотлар сурати қишлоқ ҳўжалиги соҳаси доимий эътиборга назоратда бўлиши лозимлигини кўрсатади. Бу бежиз эмас, албатта. Республикадаги соғлом фикрли ҳар бир фуқаро, элим деб, юртим деб ёниб яшаш истаги бўлган ҳар бир ўзбекистонлик бизнинг умумий ва улғувор орзуларимиз болганган буюк келажак қишлоқ ҳўжалигида туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш орқали яратилишни теран ҳис қилади. Ва бу ишда ўзини баҳоли қудрат масул билади. Президентимиз таъкидлаганидек, бизнинг шартинда базор мунособатларини тартиб топтиришнинг энг самарали йўли - иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич ҳамда муайян маром асосида узлуқсиз олиб боришдир. Бу тамойил бугунга келиб ўзининг ҳаётийлиги ҳамда барқарор турмуш тарзини таъминлашнинг етакчи омилли эканлигини тўла тасдиқлади.

Ислохотларнинг айна сурьати қишлоқ ҳўжалигида туб ўзгаришлар ясаб талабини қатий қилиб қўймоқда. Шу кунга қадар соҳа ишини янги асосларга қуриш, муассосди раҳбарлар онига муқарриб улғурган боқимандалик иллатидан қутулиш йўлида дастлабки ишлар қилинди. Эскича фаолият юритиш принципларидан воз кечилиб, замонавий усулларда, янги техника ва технология асосида деҳқончилик қилиш йўлида тинимсиз изланишлар олиб боришмоқда. Ислохотларнинг яхлит механизми ишлаб чиқилди. Ижтимоий - ҳуқуқий қоғалат ҳозирланди. Бир сўз билан айтганда, қишлоқда туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш мавриди келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида» Қонунини қисқа фурсатда тайёрлаб, атрафлича муҳомадан сўнг қабул қилиниши қишлоқ томон қатта юришнинг дебосчаси бўлди. Санацияни қисқача қилиб, банкротликнинг олдини олиш йўлидаги сўнгги тadbир, деб таърифлаш мумкин. Қонуннинг 1-моддасида таъкидлаганидек, «Қишлоқ ҳўжалиги корхонасини санация қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ ҳўжалиги корхонасининг фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришни тақомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгаришларни амалга ошириш,
- рақобатбардор маҳсулот етиштириш ва уни реализация қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш,
- корхонанинг молияий барқара

рорлигини таъминлаш». Ушбу қонунда иқтисодий ночор ва самарасиз ишлаётган корхоналар молиявий аҳолини соғломлаштиришнинг асосий принциплари, ҳўқуқий қоғалатлари аниқ ва лўнда инфодалаб берилган.

Тошкент вилоятидаги самарасиз ишлаётган ҳўжаликларнинг иқтисодий аҳоли, молиявий фаолияти ваколатли идоралар томонидан ўрганиб чиқилиб, 8 та жамоа ҳўжалигига нисбатан санация эълон қилинди. Булар Бекобод туманидаги «Авангард», Бўка туманидаги «Қўқорол», «Бўка», «Гўлистон», Пискент туманидаги «Пискент», Оққўрғон туманидаги «Сўлтаноқобод», Қуйи Чирчиқ туманидаги «Хамза номли», Чиноз туманидаги Охунбобоев номли жамоа ҳўжаликларидир. Албатта, бу ҳўжаликлар ўз ўзидан қоқлоқлашиб қолган эмас. Ҳўжалиқда ҳисоб-китобнинг тўғри олиб борилмагани, экинларни парвариш қилишда зарур агротехника қоидаларига риоя этилмагани, энг асосийси, ишни тўғри ташкил этилмагани-ю, раҳбарларнинг ўз вазифасига жиний совуққонлиги оқибатида шундай оғир вазият - вужудга келган. Вилоят прокуратура идоралари мазкур ҳўжалиқларда қонунчилик ижроси масаласини ўрганиб чиқди.

«Авангард» жамоа ҳўжалигининг 1997 йилги фаолияти ўрганиб чиқилганда ҳўжалиқнинг раҳбар ва мутахассислари томонидан қатор жиноятлар содир этилгани аниқланди. Уларнинг мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, ишга совуққонлик билан қарашлари оқибатида пахтадан ўртача 11,7 центнер, галладан эса 2,64 центнердан ҳосил олинган, ҳолос. Аммо, сарф-ҳаражат миқдори мўлжалдагидан ортиб кетган, урулук икки баробар кўп сарфланган. Шоли етиштириш учун 445 миң сўм ҳаражат қилиниб, 132 миң сўм даромад олинган, яъни ҳўжалиқ шоли етиштиришдан 300 миң сўм атрафидан зиён кўрган. Қани бундан мантик? Йил ўзи икки ой деҳқон ҳолал меҳнат қилиб, пешона тери тўкиб ишласа-ю, яна юз миңлаб зарар кўриласа...

Қуйи Чирчиқ туманидаги Хамза номли жамоа ҳўжалигида 1996 йилда режадаги 2155 тонна ўрни-



га 1519 тонна пахта олиниб, оқибатда 7 млн. 147 миң сўм зарар кўрилган. Бўғдойдан 298 миң сўм қоноп-қизилдан 3 млн. 498 миң сўм ҳўжалиқ зиён кўрган. Шу билан бирга бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича ҳам жамоа ҳўжалиги раиси Ж. Баротов, бош ҳосилот Б. Раҳматов ва бошқа мансабдор шахслар томонидан агротехника тadbирлари ўтқазиб бўйича етарли ишлар олиб борилмагани сабабли, жамоа ҳўжалигига 17 млн. сўм атрафидан зарар етказилган. Бу ҳолатни қандай баҳолаш мумкин? Берилган ваколатдан тўғри ва оқилона фойдаланмасдан масъулиятсизлик қилиб, давлат ва халқнинг ишончини суиистеъмол қилган раҳбарни қандай жазолаш керак?

Оққўрғон туманидаги «Сўлтаноқобод» ҳўжалигида 1996-97 йилларда қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш режаларининг bajarлиши юзасидан умумий назорат тартибидан ўтқазилган текширишда бир қатор қонунбузарликлар аниқланди. Ҳўжалиқ 1996 йилда 10 млн. 386 миң сўм, 1997 йилда эса 22 млн. 262 миң сўм моддий зарар кўрган. Сабабсиз оқибат бўлмади, дейишди. Демак, бунинг аниқ сабаблари мавжуд. Деҳқон ҳеч бир замона алдамган. У йил бўйи меҳнат қилади. Агар ваъда дaдил берилса, манфаатдор бўлишни кутмасдан, эрта баҳордан яна дaлага чиқади. Қўёшни дaлада қаршилаб, дaлада кузатиб қўяди. Аммо, қишлоқ ҳўжалигидаги раҳбар кадрлар зиммаларидаги масъули-

ятни унутиб қўйишган кўринади. Улар ўзларини на давлат олдида ва на-да деҳқон олдида жавобгар деб билишди. Жиний бепарволиги ва ишга совуққон муносабати оқибатида миллионлаб сўм пуллар ҳовога совурилоётгани ҳаёлларига ҳам келмайдди. Аксинча бўлганида, жамоа ҳўжалиқларнинг раҳбарлари кўрилоётган зарар миқдорини йил сойин қўпайтириш ўрнига имкон қадар қамойтириш, давлат олдидаги мажбуриятни удратлаш, деҳқонга берилган ваъданинг устидан чиқибга ҳоракат қилишган бўлишарди.

Чиноз туманидаги Охунбобоев номли жамоа ҳўжалигидаги аҳоил ҳам санацияга тушган бошқа ҳўжалиқлардан яхши эмас. Бу ҳўжалиқ бир замонар Республикадаги илгор ҳўжалиқлардан бири бўлган. Деҳқончилик санъат даражасига кўтарилиб, ўзига хос аъанолар, бошқа жойларда бўлмаган тажрибалардан унумли фойдаланилган. Деҳқончиликнинг пири бўлган, ер билан тиллашадиган бободехқонлар бўлган. Аммо, сўнгги беш-олти йилда ҳўжалиқнинг уквусиз раҳбарлар қўлига бериб қўйилиши оқибатида барча аъанолар барбод бўлди. Ишлаб чиқариш издан чиқди. Меҳнатда фaл муносабат, ишлаб чиқаришнинг илгор технологияларини жорий қилиш ўрнига боқимандалик қайфиятига берилишди. Кадрларни тўғри таллаш ва жой-жойига қўйишда йўл қўйилган ҳатоликлар тўғрйли, кадрлар кўнимсизлиги авж олди. Ҳўжалиқ биргина 1997 йилда 7 млн. 33 миң сўм зарар кўрган. Бу И. Файзуллоев, М. Юсупов ва К. Мамиров каби раҳбар кадрларнинг ишга лаёқатсизлиги, уквусизлиги оқибатидир.

Бўка туманидаги «Гўлистон» жамоа ҳўжалигининг фаолияти текширилганда бошқарув раиси Идрис Туронов ва бош ҳисобчи Серикбой Алимбетовлар давринг келди, суриб қол, қабилида иш туттишиб, ҳўжалиққа қатта миқдорда зарар келтиришгани аниқланди. Улар ҳўжалиқ мулкни ҳеч иккиланмасдан худди шахсий мулкларидек тасарруф қилишган. «Фишлармон» раис И. Туронов ва фуқаро Р. Очиллов ўртасида 1997 йилнинг 20 март кунин шартнома тузилиб, унга кўра Р. Очиллов томонидан қўшни Бекобод туманидан С-100 трактори ҳўжалиқка олиб келинган. Ҳўжалиқ эвзогои шоли эчки учун 5 гектар ер ажратиб берган. Энг қизиғи шундаки, шу ердан олинган 15 тонна шоли

ҳосили ҳўжалиқ омиборига кириб қилинган-ю, аммо яна Р. Очилловга бериб юборилган.

Бундан ташқари, жамоа ҳўжалиги худудида жойлашган «Эрмат» деҳқон-фермер ҳўжалигига 2500 килограмм селитра, 1000 килограмм аммофос, «Мустақиллик» деҳқон-фермер ҳўжалигига 6 тонна селитра, 1350 килограмм сульфат аммоний, 6650 килограмм бошқа минерал ўғитлар ҳеч қандай шартномасиз ҳисоб-китоб қилинмасдан бериб юборилган. Албатта, раиснинг бу ҳотам-тойиллиги бежизга бўлмас керак. Ҳозирда туман прокуратураси ушбу масалани атрафлича ўрганапти.

Ҳўжалиқ давлатга бўғдой топшириш режасини бажормагани ҳолда гўзага ишлов бергани учун Бекобод туманидаги Ойбек жамоа ҳўжалиги механизаторлари Р. Қари-мовага 370 килограмм, Э. Омоновга 225 килограмм, Бекобод шахар Охунбобоев кўчасида яшовчи Ж. Абдуқалиқовга сув нассосидан фойдалангани учун 2500 килограмм, ҳўжалиқнинг бригада бошлиғи М. Азратовга 1200 килограмм бўғдой бериб юборилган. Ҳўжалиқда 1997 йилда экилган пахта майдонини назорат ўлчови билан текширилганда, 4-СХ ҳисоботида 300 гектар кўрсатилган бўлса-да, амалда 257,9 гектар ерга чигит қадалган. Яъни ҳақиқий экилган пахта майдонини ширитилб, ҳисоботида ошириб кўрсатилган.

Шунингдек, пахта етиштириш учун 3 млн. 600 миң сўм ҳаражат қилинган ҳолда топширилган ҳисобдан 3 млн. 537,6 миң сўм даромад қилинган. Яъни ҳўжалиқ пахтачиликдан 62,4 миң сўм зиён кўрган. Бунинг асосий сабаби ҳисобсиз сарф-ҳаражат қилингани, ҳосилдорлиқни ошириш учун зарур чора-тadbирлар вақтида қўрилмаганидир. Пахтадан 6,7 центнер, галладан 15,5 центнердан ҳосил олинган, ҳолос...

Юқоридаги фактлар бўйича барча жамоа ҳўжалиқларнинг раҳбар кадрларига нисбатан қонуний чоралар қўрилиб, жиний жавобгарликка тортиш масаласи ҳал этилган. Санация комиссияси томонидан тошқи бошқарувчилар тайинланиб, ҳомийллар белгиланди. Бу тadbир бугунги кунда ночор ҳўжалиқлар иқтисодини соғломлаштиришнинг энг самарали йўли, деб қаралмоқда. Агар қишлоқ ҳўжалиқ корхоналарида қонун асосида ишланса, давлат ва халқ олдидаги қатта масъулият теран ҳис қилинса, яъни бир-икки йил ичида қўзланган мақсадларга эришилиши шубҳасиз.

Анвар ҚУРБОНОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими қатта прокурори.

Қутлуғ кун

Тоголдан кейин рус адабиётига кириб келган уриснинг қатта адиблари ҳам «Биз адабиётга Тоголнинг «Шинели» орқали кирганимиз», дейишди. Бунда чўқур мантқ бор. Бугунги ўзбек журналистикасининг мана мен деган забардаст журналистлари ҳам Сайди ака, Сизнинг шоғирларингиз. Уларнинг ҳаммаси Сизнинг тик туриб ўқиган лекцияларингизни эшитган. Бир сўз билан айтганда, уларни журналистиканинг қуйиға олиб кирганимиз. Улар бугун мустақил юртимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Сайди ака, тўғриси, 60 ёшга кирганингизни радийодан эшитиб, нахотки, домла ҳам 60 ни уриб қўйибди, деган гап ҳолимдан ўтди. Сираям 60 ёшли кишига ўхшамасиз. Ешларга хос гайрат, ижодий ҳўшқинлик ва юратингиздаги меҳрирдорлик, юзингиздаги нур қўлики сезини ёшартириб юргандир.

Сиз шоғирлар қамолини кўрган улуг, баъки устозсиз. Республикадаимизнинг қайси гўшасига борманг, «Ассалому алайкум, домла» деб бағрини очиб қўтиб оладиган шоғирларингиз бисёр. Инсон учун бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми?

Республикадаги матбуотида чиқиб турган публицистик мақолаларингиз ҳам сизнинг қатта олим, етук ижодкор экингингиздан дaлолат бериб турибди. Уларнинг қайси бирини санай. Сиз шу даврда «Миллий маданият ва танқидчилик» (1972), «Сонъатнинг сеҳрли қалити» (1974), «БAM ҳақида ҳикоя» (1977), «Дaвaткор сўз» (1985), «Солланиб оқаётган дор» (1994), «Тoлибнома»

УМР МАЗМУНИ

Ўзвучи, олим ва журналист
Сайди УМИРОВга шоғирдик калому

(1996, 1997) сингари асарларингиз, 300 га яқин илмий мақола ва таҳрирлар, очерк ва публицистика, радиозшиттириш ва телекўрсатувлар муаллифи бўлингиз.

Айниқса, сизнинг тoникили олим Гайбуллоев ас-Салом билан ҳамкорликда ёзган «Тoлибнома» асарингизни талабалар ҳамон қўлдан қўймай ўқиб юришибди. Сизлар унда «Етук мутахассис: муҳандис, шифокор, фозогир (космонавт), авиасоз-конструктор, дидли муҳарриру мусаввир бўлиш қанчалик душвор бўлса, шунга мос ҳазрати одам бўлиш ҳаддан ташқари оғир» деб ёзосизлар. Бу сўзларда чўқур фалсафий фикрлар бор. Бу сўзларни нафақат ўқимок, балки укмок керакдир.

Сайди ака, ёдингизда бўлса, бундан ҳамаси йигирма йиллар илгари «Совет Ўзбекистони» газетасида сизнинг «Арсасой чинорларингиз» мақолангиз босилган эди. Яқинда хизмат юзасидан Арнасойда бўлганимда у ерлик оқсоқоллар сизни эслашди. Қаранга, қандай аҳойиб халқимиз бор! «Райкомиз» Сойибназаров чинор экани учун бир олим, журналист мақ-таб ёзганди, дейиш-



Сайди ака, сизнинг яна бир бахтингиз,

Ойбек, Миртемир, Абдулла Қоҳқор каби атақли адибларимизнинг сўҳбатларидан баҳраманд бўлган ижодкорсиз.

Қутлуғ кунда Сиз ҳақингизда ёзишда эл назаридоги олимимиз Гайбуллоев ас-Саломдан ошириб бўлмас... «Яхшиликшунас... Киши бир мўйин бўлмасан экан. Уни қайта «тарбиялаб» бўлмайди. Бул қичқ феъл дўстимиз студент халқининг қатта дўсти. Базан қўзининг ёнини еган химсалар унга хиёнат қилади. У эса бунини тушунамайди. Тушунишни истамайди ҳам. Хиёнатга сaдоқат билан хизмат қилсаверди. Менга ўхшаб кетади - сал-пал «қўшиб ёзишнинг хавосини олган. Ўзбекда, миңг бўлсанга, ва ана... Булар дил тубидаги Сиз ҳақингиздаги гаплар. Олтин қўйилган полани босадиган тошли сўзлар. Чалтиш ёш - ижодкор учун қалами чарҳангон давр. Айни шу вийда оқл ҳам, билим ҳам қийғос ҳосилга қиради. Шундай экан, холи халқимизнинг Сиздан ўймиллари кўп.

Сайди ака, бир неча йиллар илгари китоб жавонингизда А. Қоҳқорнинг ҳаёт даврида Сизга соғва қилган «Қўшчнор чироклариз китобида шундай сатрлар ёзилганини кўрганман: «Сизга узoқ умр тилайман. Қалбингизга ижодий қувончлар ҳамроҳ бўлсин». Биз, шоғирлар ҳам улуг адабиётнинг тилакларига қўшилган ҳолда Сизга бахтли бoбoлик, омонлик ва юратингизни қувонч тарқ этмаслигини тилаб қоламиз. Хавас қилулик оилангиз ва шоғирларингиз бахтига доим омон бўлинг.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ.

Қонунларни ўрганамиз

ҲАР БИР ФУҚАРО УЧУН

Мустақил республикамизда қабул қилинаётган қонунларни аниқ юридик тилда шарҳлаш фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шундай шарҳлардан бири атоқли олим, Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси мухбир аъзоси, юридик фанлари доктори, профессор Ҳожи-Ақбар Раҳмонқулов муаллифлигида тайёрланиб «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи томонидан яқинда чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар ҳисобланади. Бизга маълумки, Фуқаролик Кодекси икки қисмдан ташкил топган. Амалиётда фойдаланиш учун қулай бўлиши учун унга шарҳлар учта жилдада бериш мақсада мувофиқ деб топилди. Биз қуйида баён қиладиган фикр-мулоҳазаларимиз биринчи жилда тааллуқли бўлиб, шарҳлар кодексининг 1-бўлими «Умумий қондаларга», 2-бўлими «Мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларга», 3- бўлими «Мажбурият ҳуқуқи» ва унинг таркибий қисмларидан иборат бўлган иккита кичик бўлимлар: «Мажбурият тўғрисидаги умумий қондаларга» ва «Шартнома тўғрисидаги умумий қондаларга» бағишланади. Бошқача айтганда, Фуқаролик Кодексининг биринчи жилдаги шарҳлар умумий қисмига оиддир. Мустақил республикамизда Фуқаролик Кодексига уч жилда шарҳлар биринчи маротаба тайёрланди.

Биринчи жилдаги умумий тасниф ва шарҳлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг раиси Э.Халиловнинг сўзбошиси билан бошланади. 1963 йилда қабул қилинган Фуқаролик Кодекси моҳияти ва мазмуни жиҳатидан социализм жамиятига ҳос қоялар билан суғрилган эди. Кодекса давлат хошим-ироқаси асб этирилган бўлиб, у бошқарувнинг маъмурий-бўйруқбозлик усулларида бўйсундирилган эди. Кодекс янги жамиятни барпо этишга, бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга тўққинлик қилар эди. Бу ҳол мустақиллик йилларида қабул қилинган ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган қонунларни ҳисобга оладиган, иқтисодий ва иқтисодий ҳаёт талабларига жавоб берадиган, уларни тартибга солиш имкониятини яратадиган янги Фуқаролик Кодексини қабул қилишни объектив зарурият қилиб кўйд.

Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик Кодекси моҳияти, мазмуни, шакли, ҳажми ва ўзига хос бошқа хусусиятларига қўра, аввалги Гражданлик кодексидан тубдан фарқ қилади. 1963 йилда қабул қилинган Фуқаролик Кодекси салкам 32 йил фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишчи монбаа сифатида қўланиб келинди. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги туб тарихий ўзгаришлар, янги Конституциянинг қабул қилиниши унга асосланган қонунчилик тизимини яратишни қўлай қилиб кўйд.


1963 йилги Фуқаролик Кодексининг энг муҳим қондалари бозор иқтисодиётининг негизларига мос келмай қолди. Бундан ташқари, унда бозор муносабатларининг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган бир қатор нормалар ва институтлар ўз ифодасини толмаган эди. Шунингдек, унинг коммунистик мафкурага таънуви нормалари батамом ўз кучини ва аҳамиятини йўқотган эди. Янги Фуқаролик Кодекси мустақил Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини, ҳуқуқий давлат қуришини таъминлашга асосланган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишга хизмат қиладиган мустақил ҳуқуқий ҳужжатдир. Бошқача айтганда, у фуқаролик ҳуқуқининг асосий монбаеси бўлиб ҳисобланади.

Мамакатимизда янги жамият қуришининг Конституциявий асослари яратилиши, мулк шакллари ва бозор муносабатларининг таркиби толиши ва ривожланишида, тавор ва пул мазмунига эга бўлган, ҳақ эвазига фуқаролар, юридик шахслар ва давлатлар иштирокдоши амалга ошириладиган барча мулк, мулк билан боғлиқ шахсий ва тадбирдорликка оид бўлган муносабатлар Фуқаролик Кодекси билан тартибга солинади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларининг асосий негизлари улар томонидан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этди. Мулкнинг ҳақсизлигини ва шартномаларнинг эркинлигини қафолатибди. Хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан ораолишига йўл қўйилмайди. Фуқаролик ҳуқуқлари тўққинликсиз амалга оширилиши, бузилган ҳуқуқлар тикланишини ва уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Фуқаролик Кодексининг 2-моддасига қўра, фуқаролик Қонун ҳужжатлари фуқаролик умумоли иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳақда уларни амалга ошириш тартибининг белгилайди. Шартномавий мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулк ҳақда у билан боғлиқ шахсий номумлик муносабатларини тартибга солади. Ушбу модданнинг бешинчи қисмига мувофиқ, махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинайидиган оилавий, меҳнат муносабатлари ва табиий ресурслардан фойда-

дорларини ўзид таълик асб эттира олмади. Собик Совет Иттифоқи тарихида бўлган барча республикаларнинг гражданлик ҳуқуқий қонунлари, уларда яшовчи қолқларнинг тарихи, ҳозирги шароити қандай даражада ривожланган бўлишидан қатъи назар, бир хил қонун мезонлари остида шаклланди ва ривожланди. Муаллиф тўғри эътироф этганидек, совет қонунлари билан ҳуқуқий мулкнинг ман қилиниши гражданлик ҳуқуқий нормалари билан тартибга солинадиган мулк ва шахсий муносабатларнинг доирасини кискортириб қўйд.



ларнинг ҳақда атраф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан ҳам Фуқаролик Кодекси ва қонунлари қўланиши мумкин.

Бир тарафининг иккинчи тарафга мазмурий бўйсунушига асосланган мулк муносабатларга, шу жумладан, солиқ, мөлвий ва бошқа мазмурий муносабатларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролик Кодексининг 1-бўлими «Умумий қондалар» деб аталиб, 1-кичик бўлимда асосий қондалар, фуқаролик қонун ҳужжатлари, фуқаролик ҳуқуқи ва бурчларининг вужудга келиши, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш тушуначлари берилган. 2-кичик бўлими «Шахслар» деб номланиб, фуқаролар, юридик шахслар, давлат фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг иштирокчиси сифатида; 3-кичик бўлими «Объектларга бағишланади», умумий қондалар, моддий неъматлар, номоддий неъматлар; 4-кичик бўлими эса битимлар ва воқеликни ўз ичига қамраб олиб, битимлар, воқелик ҳақда ишончнома ва ниҳоят 5-кичик бўлими муддатларни ҳисоблаш, давто муддатга оид нормалардан иборат бўлиб, уларга мазмуни шарҳлар баён этиб берилган.

Энг аввало, шунинг таъкидлаш лозимки, фуқаролик қонун ҳужжатларини татбиқ қилиш ҳақда у билан тартибга солинадиган мулк муносабатларнинг доираси анча кенгайди. Мулк муносабатлар ашёвий ҳуқуқий ва мажбуриятдан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлардан иборатдир.

Маълумки, ижтимоий муносабатлар тез-тез ўзгариб туриши табиий. Шарҳларда тўғри таъкидланганидек, давр ўзгариши билан базис муносабатлар ўз аҳамиятини йўқотди, уларни ҳуқуқий тартибга солиш учун зарурати ҳам қолмайди. Вужудга келган янги муносабатлар янги ҳуқуқий қондаларни белгилашни талаб қилад.

Ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган турли жилюм муносабатларнинг барчасини қонун-қондалар билан тўлиқ қамраб олиш имконияти бўлмаганлиги сабабли Кодекса «Фуқаролик қонун ҳужжатларини ўқашлиги бўйича қўллашга оид янги модданнинг киритилиши қонунчилик техникаси нуқтан назардан муҳим аҳамиятга эга.

Янги фуқаролик кодексига фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг вужудга келиши учун асос сифатида ушбу муносабатлар тарафдорларини ҳаракатлари, хусусан, энг аввало, шартномалар назарда тутилди. Тарафлар учун мажбурий бўлган турли маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан фуқаролар ва юридик шахсларнинг эркинликларини чеклашларга барҳам берилди.

Шунинг таъкидлаш жоизки, Кодекснинг қўлчиллик нормалари диспозитив шартларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз ҳошимлари билан келтириб, белгилаб олмасалар, Кодекса назарда тутилган норма диспозитив норма қўлланмайди. Фуқаролик Кодексининг демократик хусусиятини йўқотадиган нормалар ўз ақсини талқин биноборини, ушбу Кодекснинг 12-моддасида қўрсатилганидек, давлат органлари фуқаронинг ёки юридик шахсининг ҳуқуқ ва манфаатларининг гайриқонуний ривожда бўлишига қаратилган ҳужжат қабул қилсалар, бундай ҳужжатни ҳаққий эмас, деб топиши ва бундай ҳужжат нотожасида етказилган зарарни ундиртиш ҳақда фуқаролар судга мурожаат қилишлари мумкин.

Шунингдек, Фуқаролик Кодексининг 18-моддасига асосан фуқароларнинг ҳуқуқ лавқати мазмун жиҳатдан ўзгариши, улар олдинги келашлардан овоз бўлди, энди улар факат ўзларининг шахсий эътиҳарларини таъминлаш учун эмас, балки хусусий мулк асосида турли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга, юридик шахслар ташкил этишга ва улар билан биргалликда умумий мулк ҳуқуқига эга бўлишга ҳақда ишлаб чиқариш жараёнига факат ўз меҳнатини эмас, балки виланма меҳнатини ҳам жалб қилиб, фойдаланиши ва бунинг учун ишлаб чиқаришда қерали бўлган-қуролларига эга бўлиш қаб ҳуқуқларга эга бўлди. Эндиликда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга кенг имкониятлар яратилди. Чунки, Кодекснинг 24-моддасига қўра, фуқаро яққа тартибда тадбиркорлик фаолиятини билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлди. Тадбиркорлик фаолиятини билан 18 ёшга тулган ва бу ёшга

тулмадан ниқоҳдан ўтган ёки вояга етмасдан 16 ёшдан эмнапация қилинган яни тулик, муомалага лавқати деб тан олинган фуқаролар шуғулланишлари мумкин.

Шарҳларда таъкидланганидек, Кодексадаги тадбиркорликка оид қондаларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири юридик шахсини ташкил этиш мақсадан туриб тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган фуқарога виланма меҳнатини жалб қилишга руксат берилганида фойдаланади.

Фуқаролик Кодексининг II бўлими мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар деб номланиб, ўз ичига 7 боғли қамраб олади. Кодекста шарҳларда умумий қондалар, ҳужалик қришти ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқининг вужудга келиши ва унинг бекор бўлиши, хусусий мулк, оммавий мулк, умумий мулк, мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид нормаларининг мазмуни баён қилиб берилган.

Кодекса биринчи марта мулк ҳуқуқига тушуноча берилди. Унинг 164-моддасига қўра, мулк ҳуқуқи - шахсининг ўзига қарашли мол-мулкка ўз ҳошим билан ва ўз манфаатларини қўлай эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузилиши барқарор этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи мулдасиздир.

Янги Кодекса мустақил давлат - Ўзбекистон Конституциясига амал қилинган ҳолда, мулкнинг қиммат тегишли бўлишидан қатъи назар, тенг равишда ривожланиши учун мажбу бўлиши ва уларни бар-баровар ҳуқуқий муҳофаза қилиш қондалари мустаҳкамлаб берилди.

Янги Кодекса мулк шакллари илгарки Кодексадан фарқ қилган ҳолда асосан икки хил шаклга - хусусий мулк ва оммавий мулк шакллари бўлиниши ифода этилди.

Кодекса деб қар унги қондалар, хусусан, ашёвий ҳуқуқнинг белгилари ва унинг турлари сифатида ундан қандай шароит ва даражада фойдаланиши, мол-мулкни сақлаш вазиқаси, мол-мулкнинг тасоидифан нобуд бўлиши ёки бузилиш ҳавфи, мулкдор бўлмаган шахслар ашёвий ҳуқуқининг турлари қўрсатиб берилди.

Мулк ҳуқуқи эгасининг ҳуқуқ ва воқолатига тегишли бўлган ағилликлардан яна биттиси унга ўз мол-мулкнин ишончли бошқарувга топширишга иборатдир. Ишончли бошқариш ҳақдаги шартноманинг асосий мақсади мол-мулкни олақали бошқарувда топшириш йўли билан мулк эгасининг ёки у қўрсатган учинчи шахсининг манфаати учун мол-мулкдан самарали фойдаланиши амалга оширишга қаратилган.

Ҳужалик қришти ва оператив бошқариш ҳуқуқлари ҳақда шунини айтиш жоизки, улар ашёвий ҳуқуқларнинг турларидан бўлиб, мол-мулкка нисбатан татбиқ этилади. Ушбу ҳуқуқларнинг субъектлари (корхоналар) ўз ичтиҳариди мол-мулкка нисбатан мулк эгаси ҳуқуқига эга эмаслар, лекин улар мулк эгаси туздан тартиб бўйича, факат ўзларнинг эмас, балки мулк эгасининг ҳам манфаатларини қўлай уни эгаллашлар, ундан фойдаланишлар ва уни тасарруф қиладилар.

Фуқаролик Кодексига мулк ҳуқуқига эга бўлиниши муҳим асослардан бири ҳисобланган шартномага олоҳида эътибор бериш билан бирга меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва ўзга ҳужалик фаолияти, шу жумладан, битимлар асосида мол-мулкни яратиш, қўлайитиш, қўлга қиритиш, давлат мол-мулкнин ҳусусийлаштириш, мерос қилиб олиш, мулк олиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар қўзда тутилди.

Хусусий мулк - мулк шаклларида бири бўлиб ҳисобланади. Кодекснинг 207-моддасига қўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахсининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, тарзда қўлга қиритган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиммати чекланмади.

Қонун билан қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкин, олдинги қонунларда бўлганидек, ҳажм жиҳатдан чекланмиш, давлатга тегишли уй-жойнинг (қонданнинг) миқдори ва майдонини келтириб, олдинги қонунларда бўлганидек, ҳажм жиҳатдан чекланмиш, давлатга тегишли уй-жойнинг хусусийлаштириш унга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши учун асб қилиб қўрсатилади. Тамишда ўзбошимчилик билан қурилган уй-жой ва бошқа бинаолар бўйича қўлланадиган чора факат фуқароларга нисбатан қаратилган бўлиб, бундай уй-жой ёки бина ким томонидан (фуқаро, ташкилот, корхона) қурилган бўлишидан қатъи назар, унга суд қарорига асосан мулк ҳуқуқи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланиши мумкинлиги мулк эгасига берилган энг муҳим ҳуқуқлардан бўлиб ҳисобланади.

Мулк-мулкнинг бир қисминини улуш ёки лавқ сифатида ҳужалик ширкатига, жамиятга ёки ишлаб чиқариш кооперативига топширган фуқаро ёки юридик шахс ушбу қисмига нисбатан мулк ҳуқуқини йўқотди ва ижтимоий бўлган ташкилот (жамият, ширкат, кооператив) мулк ҳуқуқини қўлга олди.

Ҳужалик жамияти, ширкат ёки ишлаб чиқариш кооператив тугатилган тақдирда иштирокчилари (акциядорлари, лавқчилари), агар қонунда, таъсис ҳужжатларида ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тугатилган юридик шахсининг устас капиталига қўлган ҳиссаларига муносабид равишда мол-

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

мулкнинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мулк шаклининг иккинчиси оммавий мулк ташкил этади. Кодекснинг 213-моддасига биноан республика мулки ва мамурий - ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки оммавий мулкдир. Кодексда оммавий мулкнинг вужудга келиш асослари, бундай мулк объектларининг турлари, уларнинг республикага ва мамурий-ҳудудий тузилмаларига (маҳаллий ҳокимият ва бошқа маҳаллий органларга) тегишли қисмлари ва уларни тасаруф этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари ониклаб белгирилган.

Фуқаролик Кодексига шарҳларда баён этилган ҳолатлар умумий мулк ҳуқуқига ҳам бевосита тааллуқлидир. Ушбу Кодекснинг 216-моддасига кўра, икки ёки ундан ортик шахснинг эгалигига бўлган мол-мулк уларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.

Мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидоғи улуши ониклаб кўйилган (улуши мулк ёки бундай улушлар ониклаб кўйилмаган (биргалликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Ушундан ташкилотлар билан фуқаролар ўртасида умумий (улуши ёки биргалликдаги) мулк бўлишига йўл қўйилмади. Эндиликда, бундай ҳолатларга борам берилди. Умумий мулк ҳуқуқига рўй берган энг муҳим янгилик шунки, биринчидан, улуши ва биргалликдаги умумий мулк ҳуқуқининг қилларга тегишли бўлиши кўрсатилмади ва бундай мулкларнинг субъектлари ҳар қандай шахдан иборат бўлиши, иккинчидан, биргалликдаги умумий мулк улушларига ажратиш мумкинлиги ифода этиб берилди.

Фуқаролик Кодексига энг муҳим нормаларнинг талаб қисми мулк ҳуқуқини ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга бағишланган. Шарҳларда баён қилингандек, мулк эгасининг ҳуқуқлари мол-мулк бошқа шахсларнинг қонунсиз эгаллашдан талаб қилиб олиш (виндикация) ва эгалик қилишдан марҳум этиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш (негатор даъво) усуллари кўлланиш йўли билан амалга оширилади. Шарҳларда таъкидланганидек, виндикация ва негатор атамалари лотин тилидан олинган бўлиб, «виндикация» - «мулкни ҳимоя қилиш», «негатор даъво», «негатор» эса - «мулкдан фойдаланишда мавжуд тўқсунликларни бартараф қилишга қаратилган даъволар» маъносини беради.

Гарчи, мулкдор бўлмаса ҳам, лекин мол-мулкка мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик, ҳужалик юриштиш оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ёки қонун ёқуд шартномада назарда тутилган бошқа асосда эгалик қилаётган шахс ҳам ушбу Кодекснинг 228-231 - моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади. Бу шахс ўз эгалигини мулкдордан ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Хусусий мулкнинг муқаддаслиги ва унинг қонуний муҳофаза қилиниши Кодексда ўз ифодасини топди. Фуқаролик Кодексининг 233-моддасига кўра, мулк ҳуқуқини Бекор қилдириш қонун қабул қилинган тақдирда, ушбу қонунни қабул қилиш натижасида мулкдорга етказилган зарар, шу жумладан, мол-мулкнинг қиймати давлат томонидан тўланади. Зарарни тўлаш билан боғлиқ низолар суд томонидан ҳал қилинади.

Фуқаролик Кодексининг Биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳларнинг сўнги бўлими мажбурий ҳуқуқга бағишланган, унда мажбурий тўғрисида умумий қондалар, мажбурийлар тушунчаси ва тарафлари, мажбурийларни бажариш, мажбурийларни бажарилишини таъминлаш, мажбурийларни бажарилиши учун жавобгарлик ва унинг бекор бўлишига оид шарҳлар берилган. Бундан ташқари, ушбу бўлимида шартнома тўғрисидаги умумий қондалар, шартнома тушунчаси ва шартлари, шартнома тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш бўйича шарҳлар баён этилган.

Энг аввало, шунга таъкидлаш лозимки, мажбурий ҳуқуқи энг қатта ва мураккаб институт бўлиб ҳисобланади. У асосан икки қисмдан, яъни биринчиси, мажбурий ҳақидаги умумий қондалардан, иккинчиси эса мажбурийнинг алоҳида турларидан иборатдир. Кодекснинг 234-моддасига кўра, мажбурий - фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишига, чунончи мол-мулкни топшириши, ишни бажариши, хизматлар кўрсатиши, пул тўлаш ва ҳоказо ҳаракатдан ўзини салқашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбурийларини бажарилиши талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбурий бўйича бирон-бир ҳаракатни бажаришига ёки бажаришдан ўзини салқашга мажбур бўлган тараф - қарздор, ушбу ҳаракатни бажаришига ёки бажарилиши талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган тараф - кредитор деб ҳисобланади. Шунга кўра, мажбурийларнинг субъектлари «қарздор» ва «кредитор» деб юрилади.

Аввалги Кодексга асосан мажбурийни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва шартнома бир томонлама ўзгартирилишига йўл қўйилмади. Эндиликда, тadbirkorлар ўртасида вужудга келадиган муносабатларнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, агар қонун ҳужжатлари ва шартномалардан бошқача маъно аниқлашмаса, тегишли мажбурийни бажаришдан бир томонлама бош тортиш ёки бир томонлама ўзгартириш киритиш шартномада ҳам

кўрсатилган бўлиши мумкин.

Кодексда рўй берган янгиликлардан бири мажбурийнинг келишилган ва мақбул усулда бажарилишига тааллуқлидир. Кодекснинг 238-моддасига кўра, мажбурий келишилган ва тарафлар учун мақбул усулда бажарилиши шарт.

Мажбурийни бажариш усули, агар бу усул мажбурийнинг моҳиятидан аниқлашмаса ва қонун билан белгилаб қўйилган бўлмаса, шартномада кўрсатилган бўлиши керак.

Мажбурийни бажариши учинчи шахс зиммасига юзлашга оид янгиликнинг моҳияти шундан иборатки, мажбурийни бажариши қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган, шунингдек, учинчи шахс тарафлардан бири билан тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлган ҳолатларда учинчи шахс зиммасига юзлаш мумкин. Мажбурий бажарилишига оид учинчи шахснинг жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса, шартномадаги тараф жавобгар бўлади. Шунга қараганда мажбурийнинг асосан, учинчи шахс иштирокида бажариладиган мажбурий бўйича бевосита қим жавобгар бўлиши ўзининг яқоли ифодасини топди.

Пул мажбурийига оид қондалар моҳияти ва мазмуни жиҳатидан янгилашди. Уни ҳуқуқий тартибга солишининг самарадорлигини ошириш мақсадига ўз сўмининг ва чет эл валютасида ҳисоб-китобларни амалга оширишининг реал имкониятлари яратилди.

Мажбурийни бажариш жойига оид бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Булар жумласига: кўчмас мол-мулкни топшириш; товар ёки бошқа қўчар мол-мулкни топшириш; қарздорнинг ўзга мажбурийларини бажариш қобилият мажбурийни бажариш жойи деб ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шариоатида мажбурийларни муқобил суратда бажаришининг аҳамияти қатта. Кодекснинг 256-моддасига асосан тарафлардан бири шартномага мувофиқ бошқа тарафининг ўз мажбурийларини бажаришига боғлиқ қилиб қўйилган мажбурийни бажариши муқобил бажариш ҳисобланади. Умумий қоидага биноан мажбурийни муқобил суратда бажаришдан тараф, агар мажбурийнинг иккинчи тараф томонидан бажарилишига иқрор бўлмаса, ў мажбурийни бажариши тўғрисида қўйиш мумкин.

Кодексда мажбурийнинг бажарилишини таъминлашга оид қондалар хусусан, хусусий мулк ҳуқуқи субъектларининг тadbirkorлик соҳасида эркин ҳаракатда бўлишлари ҳисобга олинган ҳолда муайян ўзгаришлар киритилди. Закалат ва кафолат мажбурий тарафлари қиллардан иборат бўлишдан қатъи назар, мажбурийнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган усуллар сифатида барча ҳолатларда қўлланиши мумкинлиги назарда тутилди.

Мажбурийнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган усуллари янгилик киритилди. Кодекснинг 290-моддасига кўра, қарздор ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёвий салқоватга кредитор ушбу ашё ҳажини ёки ў билан боғлиқ чиқимлар ва бошқа зарорни кредиторга тўлаш мажбурийлари қарздор томонидан муддатда бажарилишига тақдирда уни тегишли мажбурий бажарилишига қарш ушлаб қолмоқда ҳақли. Бундан ташқари, Кодекснинг 295-моддаси 1-қисмида кўрсатилганидек, кредиторнинг ҳуқуқларини бошқа усуллар билан таъминлаш шартномада назарда тутилиши мумкинлиги умумий қоида сифатида биринчи марта баён ўз ифодасини топди.

Шарҳларда Кодекснинг мажбурийга оид шарҳларнинг ўзгаришига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бинобарин, энди кредиторга тегишли бўлган талаб қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтказилишига оид қоида бир қадар умумий ҳолда белгилиб, яъни бундай ўтказиш учун факат битим эмас, балки қонун ҳам асос бўлиши мумкинлиги эътибор этилди.

Шунингдек, бошқа шахсга ўтадиган кредитор ҳуқуқларининг ҳажини ҳақида янги норма белгиланди. Кодекснинг 315-моддасига кўра, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқ ўтиш пайтида мавжуд бўлган ҳажмада ва шартлар асосида ўтиши мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқига мажбурийларни бузганлик учун жавобгарлик олоҳида ўрин тутди. Шу сабабли, Кодекснинг мажбурийни бузганлик учун жавобгарлигини белгилайдиган нормаларига берилган шарҳлар муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлигининг моҳияти барча ҳолатларда айбга асосан жавобгарлик ва унинг асосий шакли сифатида мажбурийни бажарилишига ёки қайриқонуний ҳаракат натижасида етказилган зарорни ундириш каби қораларни қўллашга оид қондаларнинг мустақамланганлигидан иборат. Шу ўринда шунга таъкидлаш лозимки, жавобгарлигини белгилайдиган нормалар диспозитив характерга эга бўлиб, қонунда ва шартномада ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қўлланиши мумкин.

Мажбурий ҳуқуқига энг муҳим масалалардан бирини унинг бекор бўлиши ташкил этади. Шу сабабли, шарҳларда бунга алоҳида ўрин ажратилган. Кодекснинг 340-моддасига кўра, мажбурий ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада назарда тутилган асосларга кўра тўлик ёки қисман бекор бўлади.

Шуни айтиш жоизки, мажбурий тарафлардан бирининг талаби билан бекор қилиниши умумий қоида бўйича мумкин эмас. Бундай тартибда бекор қилишга қонун ҳужжатлари ёки

шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйлади.

Мажбурийнинг бажарилиши билан бекор бўлиши асосий ва мақсадга мувофиқ усуллардан иборат. Лекин ҳар қандай бажариш ҳам мажбурийнинг бекор бўлиши учун асос бўлмамайди.

Мажбурий умумий қоида тарихисидан, унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади.

Фуқаролик Кодексининг III бўлими шартнома тўғрисидаги умумий қондаларга бағишланган, унда шартнома тушунчаси ва шартлари, шартнома тузиш ҳақида уни ўзгартириш ва бекор қилишга оид моддаларга шарҳлар берилган.

Бозор муносабатлари шариоатида шартномалар муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, янги Кодексда 32 моддадан иборат учта алоҳида боб берилди. Шунга алоҳида таъкидлаш керакки, янги Кодексга ушбу моддалар янгилик сифатида киритилди. Шартнома фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишчи муҳим восита бўлиб, унга одатдагидек факат битимнинг бир тури сифатида қарамосдан, балки фуқаролар, юридик шахслар, давлатлар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий, моддий муносабатларни тартибга солидиган юридик ҳужжат сифатида қараш назарда тутилди.

Бир томонлама ёки икки томонлама хоҳиш билдирилиб тузилган ҳар қандай битим шартнома ҳисобланади. Янги Фуқаролик Кодексининг 353-моддасига кўра, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги қилишувига шартнома дейилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг шартнома тузишга ҳеч қим мажбур қилмайди. Улар шартнома тузишда ва унинг мазмунини белгилашда, шартларини аниқлашда ўз хоҳишларини эркин ифода этади. Улар нафакат қонун ҳужжатларида назарда тутилган, шунингдек, назарда тутилмаган шартномаларни ҳам тузишлари мумкин. Шартнома тузилган воқеадан бошлаб тарафлар учун бажарилиши шартдир.

Фуқаролик Кодексининг 158-моддасига асосан «очик шартнома» деган янги тушунча киритилди. Очик шартноманинг хусусияти шундан иборатки, «чакан савдо, умум фойдаланадиган транспортда юк ва тўловчиларни ташини, ишлаб бажариш ёки хизмат кўрсатиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизмат ва шу каби фаолиятлар билан шугулланувчи тижоратчи ташкилотлар, қорхоналар ўзларига муражат қилган ҳар бир шахсга нисбатан бир хил ва бир текисда муомалалар бўлишлари керак.

Мамаклатимизда тadbirkorлик соҳасида биргалликдаги фаолиятнинг тобора ривожланиши жараёни ҳисобга олиниб Кодексга киритилган энг муҳим янгиликлардан бири қўйилиш шартномасига оид қондаларнинг мустақамланганлигидир. Ушбу Кодекснинг 360-моддасига асосан шартларни тарафлардан бири формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларида таърифланган ҳолда иккинчи тараф факат тақлиф қилинган шартномада бунга йўл қўйилиш йўли билан қабул қилиш мумкин бўлган шартнома қўйилиши шартномаси дейилади.

Кодексдаги 363-модда тузилган шартномани шарҳлашга оиддир. Бу янги модда амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Маъзур Кодекснинг 354-моддасининг учинчи қисмида қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартнома тузилиши мумкинлиги ҳақида умумий қоида белгиланган. Демак, Кодексга маълум бўлган ва маълум бўлган шартномалар, уларнинг шартлари, мазмуни, шакли ҳақида тарафлар ўртасида турли фикр ва келишмовчиликлар вужудга келиши мумкин. Бундай шартномаларни таърифлаш, уларнинг мазмунини аниқлаш учун илмий ва амалий шарҳлаш усулларида кенг фойдаланиш мумкин. Агар тарафлар ўртасида низо юзага келган тақдирда ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилганидек, суд шартнома шартларини шарҳлашда ундаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини эътиборга олади. Шартноманинг шартлари асли бўлмаса, унинг асл маъносини уни бошқа шартларга ва бутун шартноманинг маъносига таққослаш йўли билан аниқланади.

Шартнома тузиш тўғрисидаги асосий қондаларнинг моҳияти шундан иборатки, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шарт-

лари юзасидан шундай ҳолатларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида тақлиф) йўлини ва иккинчи тараф уни қабул қилиши (тақлифни қабул қилиш) йўли билан тузилади. Оферта йўллаган шахс унинг қабул қилини оқин пайтдан шартнома тузилган ҳисобланади. Агар қонунга мувофиқ шартнома тузиш учун мол-мулкни топшириш ҳам зарур бўлса, шартнома тегишли мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин.

Нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказилишни шарт бўлган шартнома нотариал таъкидланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқлашни ва рўйхатдан ўтказилиш зарур бўлганда эса - шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади. Агар тарафлар шартномани муайян шаклда тузишга қароқилган бўлсалар, гарчи қонунда бу турдаги шартномалар учун бундай шакл талаб қилинган бўлмаса-да, шартнома белгиланган шаклга келтирилганда кейин тузилган ҳисобланади.

Эма шартнома тарафлар изолашдан бита ҳужжатни тузиш йўли билан шунингдек, почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномасидаги тарафдан чиққилини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа воситасида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Кодексга киритилган янгиликлардан бири мажбурий тартибда шартнома тузиш ҳақидаги норманинг ифода этилганлиги билан изолашди. Бундай шартномани тузиш режага асосланган эмас, унинг тузилиши истаъмоличларнинг маъфотларини муҳофаза қилишни таъминлашдан иборатдир. Бундан ташқари, мажбурий тартибда шартнома тузиш жамият ва давлат маъфотларини таъминлаш мақсадига ҳам қўлланиши мумкин.

Иқтисодий муносабатлар соҳасида аукцион ёки талаф шаклида ўтказилган совоқларнинг тобора ривожланишганини назарда тутиб, қиммат савдосида шартнома тузиш ҳақидаги қондалар мустақамланган. Шартнома муносабатларини тартибга солишда уни ўзгартириш ва бекор қилиниши асослари муҳим ўрин эгаллайди.

Кодекснинг 382-моддасига кўра, тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан факат қуйидаги ҳолатларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

- 1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;
- 2) ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолатларда.

Тарафлардан бирининг шартномани бузиш иккинчи тарафга ў шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нрсардан кўра даражада маҳрум бўлидиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади. Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тартиб, қонун ёқуд тарафининг қилишувидан бунга йўл қўйиш, шартнома тегишли ва бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

Вазият жиддий ўзгариши муносабати билан шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш назарда тутилди.

Шартнома тузиш чоғида тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, агар бошқача тартиб шартномада белгиланган бўлмаса ёки унинг моҳиятидан аниқлашмаса, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади. Вазиятнинг жиддий ўзгариши деб, агар унинг шундай даражада ўзгариши тарафлар олдидан кўра билганларда улар шартномани умуман тузишасизларни ёки анча бошқача шартлар билан туздан бўлишлари мумкинлигига айтади. Бундай вазият тўғрисида шартномага ўзгаришлар киритиш уни бекор қилиш масаласини ҳал қилишлари мумкин. Агар тарафлар бу масалада келиши олмасалар уни суд томонидан ҳал қилиниши назарда тутилди.

Хуллас, Кодексда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартибининг белгиланганлиги, шартнома интиминомани мустақамлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Янги Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига таъйрланган умумий тавсиф ва шарҳлар муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Муаллиф томонидан бозор муносабатлари шариоатида янги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг моҳияти ва мазмуни шарҳлаш асосида яритиб берилганлигини юқори баҳолаган ҳолда, бу ишни ҳуқуқшунослик фани, хусусан, фуқаролик ҳуқуқини ривожлантиришга қўйилган салмоқли ҳисса дейиш мумкин. Ушбу шарҳлар мураккаб фан тармоғидан бири бўлган фуқаролик ҳуқуқий фанидаги ҳуқуқий институтлар бўйича келгусида илмий ишларни олиб борувчи тadbirkorчилар ва ҳуқуқни қўллашчи амалиётчи мутахассислар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Бозор муносабатлари шариоатида Фуқаролик Кодексни нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг моҳияти ва мазмунини чуқур аниқлаш ва қундалик ҳаётда кенг қўллаш ҳуқуқий давлат куриш ҳақида фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатларда фаол иштирокчи сифатида қатнашишини таъминлашнинг муҳим гарови бўлиб ҳисобланади.

Наср

Ислам УСМОНОВ

Уша куни прокурор номига сўров жўнатилди. Унда жабрланувчига оид ёзувларни олиб бериш сўралганди. Эркин Баратович илмий текшириш институтидан келган илтимосномани зудлик бўлиб ба-жаришни буюрди. Ҳамма иш ҳеч қандай шубҳа уйғотмайдиган даражада пухта амалга оширилди. Эксперт неча кунлаб қилган ишлари натижасини бир чеккага суриб қўйиб, қузатувни бошидан бошлашга тўғри келди. У олинган материалларни синчиқлаб ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб, сўнгги хулосага келишга шошилмасди. Юсупованинг ёзувлари қайта-қайта текширилиб, ўрганиб чиқилди. Узоқ давом этган бу жараён ҳужжатларда акс эттирилди.

Рости, эксперт дастлаб тунда миясига келган фикрдан чўчиб тушди. Одам ўзинга шунча бўҳтон ёғдириши, ярамас сўзлар билан ўз шахсини ҳақоратлаши мумкинлиги унинг ҳеч ақлига сиймасди. Фақат қораланаётган инсоннинг турмуш тарзидан яхши хабардор бўлган шахсга бу ёзувларни битиши мумкинлигига энди шубҳа қолмаганди. Юсупова ўзини ўзи хат ёзиб, унга имзо қўймаганига экспертнинг ишончи қомил эди.

Эртасига ҳаммаслари унинг фикри бирдан ўзгариб қолганидан ташвишга тушибди. Бу соҳа кишилари орасида пухта, қатъий ва аниқ хулоса чиқарадиганларгина ҳурмат топади. Чунки суд ақсарият ҳолларда эксперт хулосасига таяниб ишни ҳал қилиши мумкин.

- Яна ўзингиз биласиз, бутун жавобгарликни бўйинингизга олиб, фикрингизни ёзиб беришингиз мумкин, - дейишди ҳаммаслари. - Агарда хулоса хато бўлиб чиқса, биласизми, бу қанчалик гап сўз бўлади?

- Сезиб турибман.

Анвар фикрида қатъий эди. Иккила-нишларига эрк бермай, прокурорга юбораятган хулосани аниқ далиллар билан баён қилишга тушди.

Эркин Баратович жавобни кўздан кечирар экан, ўз нигоҳларига ишонмай, уни яна диққат билан ўқиб чиқди. Дастлаб, балки ёш эксперт ҳаммасини чалқаштириб ёборгандир, дегон фикрга келди. Аммо хулоса билан чуқурроқ танишаркан, ҳаммаси жойида эканлигига, бу ерда адашмиш мумкин эмаслигига амин бўлди. Шундан сўнг Юсуповани ўз ҳузурига таклиф этишни сўради.

Иш куни охирида кирган аёл:

- Мумкинми? - дея унга юзланди.
- Марҳамат!
- Шубҳам тасдиқландими? - Юсупова ўтиричига чўқар экан, прокурордан саноқ чиқмаган, яна ўзи гап коти.

Эркин Баратович гоним нимадан бошлашни билмай, бироз жим қолди. У олдида ўтирган аёлдан шунчалик пасткашлик чиқишига асло ишонмасди. Тўғри, унинг касби ҳар бир шахсини ҳурматини ўз ўрнига қўйишни тақозо этарди. У ҳарқалат инсоний тўғри билан қонун ўртасида катта фарқ борлигини сезиб турарди. Аммо қандай бўлмасин ва қай ҳолатда иш тугилмасин, барибир қонун устувор бўлиши

(Оқари. Бошланғичи ўтган сонда).

М
Е
Н
И

КЕЧИРИНГ...

(Прокурор ҳаётидан воқеа ҳикоя)

лозим. Айбдор албатта тегишли жазосини олиши даркор. Бу аёл нима қилиб қўйганини ўзи тушунармикин?! Ишнинг ўзига қарши айланб кетгани эса унинг етти ухлаб ҳам тушига кирмас керак. У ўз шубҳаларининг тасдиқланганига амин. Қолаверса, қўшнисини, ишхонадаги бошлигини ботқоққа итармоқда. Улар орасида қандай нохуш гап ўтган? Шунини билмай прокурорнинг боши қотарди. Қаршисидаги аёлга тикилар экан, унинг кўзларига чуқурроқ боқди. Афсус, ҳеч нима аниқ олмади. Шундай шахслар бўладики, кўзига тикилсанг, юра-нида нима борлигини дарҳол билиб оласан. Аммо айримларнинг кўнглида нима гап борлигини сезишинг асло иложи йўқ. Ёнида унинг жавобини қутиб ўтирган аёл шунчақалар тоифасидан кўринади.

- Биласизми, - секин гап бошлади Эркин Баратович, - шубҳаларингиз ўринсиз...

- Наҳотки?

- Хатни сиз айтган одам ёзмаган.

- Нимага? Ахир ҳаммаси ўхшаб турибди-ку!

- Тўғри, ўхшаб турибди, - прокурор бир зум унинг юзига тикилиб қолди. Аёл ўзини ўзи фаш қилиб қўйганидан хабари бормикин? Нега ва нимага асосланиб имзосиз хатларни қўшнисининг ёзувига ўхшатишти?

- Хатни у ёзмаган бўлса, унда қимга таалуқли?

- Сизга!
- Нима?..
- Ҳа, ҳа, сизга, - прокурор овозини қатъийлаштирди, - уни ўзингиз ёзмагансиз.
- Ёлгон, бўҳтон, - дея аёл ўрнидан туриб кетди. - Қандай ўзимга ўзим шунчақалар битишим мумкин, бунини ўйлаб кўрдиларингми?

- Ўтиринг, ўзингизни босинг, - деди прокурор. - Биз ҳам шунга ҳайронимиз. Ўзингизни гўлликка солманг. Сиз кўп на-

рсани биласиз ва хуфя режангизни бизнинг қўлимиз билан амалга оширмакчи бўлгансиз.

- Турган-битгани бўҳтон, устингиздан шикоят қиламан.

- Ихтиёрингиз. Ундан олдин эса, экспертнинг мана бу хулосаси билан танишиб қўйсангиз, фойдадан холи бўлмас.

Аёл кўллари қалтираганча, икки варақ қозога туширилган хулосани ўқишга тушди. У ҳар бир сатрга диққат билан кўз югуртирди. Бунини Эркин Баратович ҳам яққол сезиб турибди.

Хулосани ўқиб бўлгач, Юсупованинг ранги олдинга қизариб, сўнгра бирдан оқариб кетди. Бу кўрқувдан эканлигини прокурор илғаб олди. Аёл эксперт келтирилган далиллардан қочиб қутула олмаганини аниқлаб етгани аниқ эди. У қанчалик пухта ҳаракат қилмасин, барибир нияти фаш бўлганидан ўзини йўқотиб қўйганди.

- Ҳўш, энди айтингчи, назаримда, сиз менинг устимдан шикоят қилмакчи эдингиз, шекили?

- Мени кечиринг... - деганча аёл бирдан ҳўнграб юборди. У ўз хатосини жуда кеч аниқлаб етганини пайқош қийин эмасди. - Билмасизлар, деб ўйлагандим, уни бир кўрқитиб қўйишларингизни истагандим.

Маълум бўлишича, икки дугона бир синфда ўқиган. Сўнгра техникумда таълим олишган. Бирга дарс тайёрлашиб, қувонч-таъбишларини бирга баҳам қўришди. Йиллар давом этган дўстлик туфайли ора-ларида бир-бирларидан яширадиган сир қолмаган. Турмуш қуришиб, ҳатто бир корхона ишлашди, бунини қорангки, бир уйдан жой олишиб, қўни-қўшни бўлиб яшашди. Бўлим мудирини вазифаси

бўшганда корхона маъмурияти негадир дугонасига кўпрак эътибор бериб, раҳбар эътиб тайинлашди. Бундай «инсофсизлик» унинг нафсониятига тегиб кетади. Кечатино иккови боб-баравар бўлиб бирга кўришган, сирдош, ҳеч қаери ортик бўлмаган дугонаси унга бошлиқ бўлиб қолгани ҳамда кўпрак моятна олиши унга малол келди. Шу боис кўп вақт дарди юзига қиймай, қалбидан минг чандон алам алағга олаверган. Дугонаси ёзган хатларни қайта кўздан кечираркан, бирдангина ундан ўч олишининг осон йўли топилганидан суюниб кетади.

Тунлари ўтириб, дугонасининг ёзувини диққат билан ўрганиб чиқади. Унинг имзосини ўхшатиш устида астойдил машқ қилади. Бутун бўш вақтларини шундай машғулота бағишлайди. Бошқалар номидан ўз-ўзига бўҳтон мактублар битиш бора-бора унинг «лаззатли» ишига айланиб қолди. Охир-оқибатда мақсадига ҳам етган. Дасхатини дугонасиникига нақадар ўхшашлигини бир неча бор, ҳатто ишхонасидагилар таъкидлаганига унга маъқул тушган. Энди бемалол «иш»ни бошлаш мумкинлигига амин бўлгач, ўз-ўзига ҳақоратли сўзлар битилган мактублар ёзишга киришади. Бежирим хатларни елим-лагонча, кимё заводи ёнидаги алоқа қутбига ташлаб туради.

Ҳатто шунчалikka бориб етганки, бармақ изларини қолдирмаслик учун юлқа кўчқоп ҳам қийиб оларди. У ёзувини нотўғри чиқмаганини, дея ўз «ишини» бир неча бор текшириб кўрарди. Ҳаммаси ҳамирдон қил суғирандек силлиқ. Бундан унинг кўнгли «равшан» эди.

Эртаси дугонаси билан барча ҳамкасблари қатори қилиб саломлашарди, аммо ишдан келган заҳоти яна унинг номидан бўҳтон мактублари битишга ўтирарди. Унинг икки юзламачилиги кундан-кунга ашаддий тус олади. Дугонаси эса унга бўлган муомаласини илгаридан ҳам яхшилашга ҳаракат қиларди. Бу кўнгли қора аёлни баттар ўз ёнида қовурилиб, жиғи-бийронини чиқарарди, у хали «лаззатли»миган ҳақоратли сўзларини излар, агар бирон янгилик топса, ёши бола сингари қувониб кетарди. Бу хуфёна хатти-ҳаракатининг охири вай эканлиги ўша катта унинг ҳаёлига келмаганлиги аниқ. Агар шу ҳақда сал ўйлаб кўрсангизда бунчалик тубан кетмасди. Афсус, ҳасадгўйлик, бировнинг муваффақиятини кўра олмастик балоси уни шу йўлга бошлади.

- Мени кечиринг, кечиринг... - деганча юм-юм йилгари у. Аёлнинг шу дамдаги ҳолатини тушуниш мушкул. Ҳозир чин юракдан тавба қилаётгани ёки шунчаки йўлгани?

- Фақат, илтимос қиламан, ишхонадагилар билмасин...

- Қонунда бирор шахсга ноҳақ тўхмат қилганлиги учун жазо қўллаш кўзда тутилган, - бу гал прокурорнинг сўзларида ачинаш аломатидан осар ҳам қолмаганди. У бутун фикрини жамлашга интилиб, қаршисида ўтирган аёлнинг ўз виждонини олдидаги «қурашиги» қўмақлашиги келарди-ю, аммо бунинг иложини топа олмади. Бинобарин, бунга эғаллаб турган вазифаси ҳам йўл қўймади. Чунки у қонун ҳимоячиси. Кимки қонунни бузса, унга хилоф равишда иш тутса, тегишли жазога маҳкум.

«Қонун ҳимоясида» журнали саҳифаларида

МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, журналистиканинг муҳлислари янги йилдан сезиларли даражада ортди. «Қонун ҳимоясида» журналининг нухсаси йиғирма мингга етди. Шунга яраша тахририятимиз ижодий жамоаси нашрни ҳар томонлама пухта қилиб чиқариш учун барча имкониятларини сафарбар этмоқдалар.

1998 йилнинг I-сонини қўлингизга олиб варақласангиз, журнал саҳифаларидаги беэақлар, мақолаларнинг берилишидаги ўзгаришларни тез илғаб оласиз.

Дастлабки саҳифаларда журнал муҳбирининг саволларига Республика Бош прокурори Бўриғош Мустафоев жавоб бериб, 1997 йил якунилар, оила йилидаги прокуратура идоралари олдига турган вазифалар, кенчиктириб бўлайдиган юмушлар ҳусусида батафсил гапириб

ўтган. Бош мақола «Инсон ва оила манфаатлари прокуратура фаолияти кўзгусида» деб аталади.

«Прокуратура фаолияти хроникаси» ва «Прокуратура ёрдам берди» рўкнларида бир қатор ахборотлар берилаётгани ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

«Шукроналик маданияти» мақоласида муаллиф Абдуваҳоб Ҳожибоев миллатимизга хос қадриятлар ҳусусида фикр юритса, Қашқадарё вилоят судининг раиси Қурбон Нурматов «Суд муҳока-масида прокурор иштироки» ном-

ли ўз мақоласида ҳуқуқшунослар амалиёти билан боғлиқ мавзуда баҳсга киришади.

Яна кўплаб ранг-баранг чиқишлар ҳам журнал саҳифаларидан ўрин олган. Ҳар бир чиқишларда муаллифлар ўз мавзуларига алоҳида ёндашдилар.

Юридик фанлари номзодаи Мавжуда Ражабованинг «Халифаликда давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари» мақоласини кўпчилик катта қизиқиш билан ўқиб чиқши аниқ. Чунки, мавзу қанчалик қизиқариб бўлса, баён ҳам унга ҳамоҳандир.

«Буюк аждодларимиз тарихи»



рини сабрсизлик билан қутиб қолсалар керак.

Н. МАХМУДОВ,
журналининг масъул котиби.